Ушбу кучлар таъсирида қобикли сўта янчиш аппаратида мураккаб ҳаракат қилади, яъни ҳам айланма ва ҳам бўйлама ҳаракатда бўлади. Қуйида қобикли сўтанинг янчиш аппаратида айланма ва бўйлама ҳаракатини ифодаловчи назарий боғланишларни келтириб чиқарамиз.

Бунда қобикли сўтани моддий жисм сифатида белгилаб ҳамда умумлашган координата сифатида қобикли сўтанинг янчиш аппаратида бурилиш бурчаги φ ни қабул қилиб, Лагранж тенгламасидан фойдаланган ҳолда унинг айланма ҳаракати дифференциал тенгламасини тузамиз [1]:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}} \right) - \frac{\partial T}{\partial \varphi} = Q_\varphi, \quad (2)$$

бунда, T - қобикли сўтанинг кинетик энергияси, Ж; Q_φ - сўтага таъсир этувчи умумлашган куч. Бизнинг ҳолат учун $Q_\varphi = \sum M_\varphi$, яъни таъсир этувчи кучлар моментларининг (айланиш маркази O га нисбатан) йиғиндиси, Н м.

Ўзгарувчан массанинг кинетик энергияси қуйидагича бўлади:

$$T = \frac{mR^2 \dot{\varphi}^2}{2} = \frac{m_0 e^{\alpha} R^2 \dot{\varphi}^2}{2}, \quad (3)$$

бунда, R - барабан декасининг радиуси, м.

(3) муносабатдан қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{d}{dt} \frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}} = \frac{d(mR^2 \dot{\varphi})}{dt} = R^2(m\ddot{\varphi} + \dot{m}) = R^2(m_0 e^{-\alpha t} \ddot{\varphi} - \alpha m_0 e^{-\alpha t} \dot{\varphi}) . \quad (4)$$

1-расмда келтирилган схемадан умумлашган координатага мос келувчи умумлашган кучни аниқлаймиз:

$$Q_\varphi = P_{yz} R + G \cos \varphi - F_{mpz} R = m_0 e^{-\alpha t} \times \left(\frac{(V_k - V_n)}{\tau} \cos \gamma + g \cos \varphi - f \cos \gamma (\dot{\varphi}^2 + g \sin \varphi) \right) R . \quad (5)$$

бунда V_n, V_k - қобикли сўтанинг зарбагача ва зарбадан кейинги тезлиги, м/с;

τ - зарба вақти, с;

γ - савағичларнинг таъсир бурчаги, град.;

f - қобикли сўтанинг савағич юзасига ишқаланиш коэффициентини.

(5) ва (6) ифодани тенглаштириб, сўнгра баъзи бир ўрин алмаштиришларни амалга ошириб, қобикли сўтанинг янчиш барабани билан таъсирлашгандаги айланма ҳаракати дифференциал тенгласига эга бўламиз:

$$\ddot{\varphi} = \alpha \dot{\varphi} - f \dot{\varphi}^2 \cos \gamma + \frac{g}{R} (\cos \varphi - f \sin \varphi \cos \gamma) + \left(\frac{V_k - V_n}{\tau \cdot R} \right) \cos \gamma . \quad (6)$$

Қобикли сўтанинг бўйлама ҳаракатида, унга зарба кучининг x ўқи бўйлаб ташкил этувчиси ва ишқаланиш кучлари таъсир этади.

Бунда қобикли сўтага таъсир этувчи кучлар йиғиндиси қуйидагича бўлади:


$$m\ddot{x} = P_{yx} - F_{mp} = m_0 e^{-\alpha t} \left(\frac{(V_k - V_n)}{\tau} \right) \sin \gamma - f \sin \gamma (\dot{\varphi}^2 R + g \sin \varphi) . \quad (7)$$

Ушбу ифодага кўра қобикли сўтанинг янчиш аппаратида бўйлама ҳаракати қуйидаги дифференциал тенглама орқали ифодаланади.

$$\ddot{x} = \frac{(V_k - V_n)}{\tau} \sin \gamma - f \sin \gamma (\dot{\varphi}^2 R + g \sin \varphi) . \quad (8)$$

(6), (8) ифодалар қобикли сўтанинг янчиш аппарати ичида ротор билан ўзаро таъсирлашиши натижасида уни ҳаракатга келтирувчи барча омиллар орасидаги боғлиқликларни белгилаб беради. Белгиланган иш шароитида қобикли сўтанинг янчиш аппаратида ҳаракати давомида унинг бурилиши, кўчиш масофаси, тезлик ва тезланишлари асосан, янчиш аппаратининг радиуси ва ротор тезлигига ҳамда қобикли сўтанинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ бўлар экан.

Ушбу тенгламаларни аналитик усулда ечиб бўлмаслиги сабабли улар Рунге-Кутга Филберг услуби ёрдамида, компьютерда, махсус дастур билан сонли усулда ечиб кўрилди [2]. Бунда белгиловчи шарт сифатида сўталарнинг янчиш аппаратида айланиши камида 2 марта бўлсин, яъни $\varphi = 6,28$ радиан деб белгиланиб, (7) ва (9) ифодаларни ташкил этувчиларининг қийматлари $R=0,19$ м; $f=0,55$; $V_k=0,4$ м/с;



2-расм. Сўталарнинг янчиш аппарати ичида бурилиш бурчаги ва тезлигининг ўзгариш тавсифи

$V_n=0$; $\tau =0,00823$ с; $\alpha =0,0121-$

$0,0125$ с⁻¹; $\gamma =30^0$ га тенг эканлиги эътиборга олинди.

Аниқланган қийматлари асосида эса сўталарнинг янчиш аппарати ичида ҳаракатланиши давомида бурилиш бурчаги ва тезликларининг ўзгариши графиги қурилди (2-расм).

График кўринишда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики (2-расм), сўталар янчиш аппарати ичида ҳаракатланганда унинг бурилиш бурчаги доимий ортиб борар экан ва икки марта айланиши, яъни 6,24 радианга бурилиши учун 0,2 с вақт керак бўлади.

Сўталарни ҳаракат тезлигининг ўзгариш тавсифи натижалари шуни кўрсатадики, у янчиш аппаратининг 1/3 қисмида тезлик жадал ошиб боради ва қолган 2/3 қисмида ҳаракати тезлиги бир маромда бўлиб 16-18 м/с оралиғида бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. К л е н и н Н.И. Исследование вымолота и сепарации зерна. Дисс. на соиск докт. тех. наук Москва. 1976 .424 стр. 2. Л и п к о в и ч Э.И. Процессы обмолота и сепарации в молотильных аппаратах зерноуборочных комбайнов. Зерноград.1973.166 стр.

Наманган муҳандислик – педагогика институти

қабул қилинди: 11.06.2013 й.

УДК 631.433.631.6.

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Ахмедов Б., Дадахўжаев А., Раҳманов Ш.

Мақолада эрозион жиҳатдан хавфли ҳудуд ҳисобланган Наманган вилоятининг шимолий-шарқий қисмида тупроқлар эрозиясини тарқалиши, эрозия турлари бўйича ер майдонларини тақсимланиши кўрсатиб берилган. Ҳудуддаги эрозия жараёнларининг асосий жиҳатлари, эрозияга учраган тупроқларнинг хусусиятлари таҳлил этилган. Ирригацион эрозияга учраган майдонларда тупроқлар эрозиясининг олдини олиш чора - тадбирлари тавсия этилган.

В статье указаны закономерности распространения эрозии и распределены по видам эродированные почвы в одном из наиболее эрозионно - опасных территорий Ферганской долины в северо-восточный части Наманганского вилоята. Анализированы особенности эрозионных процессов и свойства почв, подверженных эрозии. Рекомендован комплекс мероприятий по предопределению ирригационной эрозии.

In the article laws of distribution of erosion are specified and distributed erosion soils in one of most erosion dangerous territories of the Fergana valley in the northeast part of Namangan region. Features of erosive processes and properties of soils subject to erosion are analysed. The complex of actions for predetermination of irrigational erosion is recommended.

Тупроқнинг сув таъсирида емирилиши сув эрозияси дейилади. У юз бериш характериға кўра иккига: ёппасига ювилиш ёки юза эрозия ва бўйлама ёки жарлик эрозиясига бўлинади. Шунингдек, оқар сувларнинг таъсириға қараб сув эрозияси юза оқар сувлар (қор ва ёмғир сувлари) таъсирида рўй берадиган эрозия ва суғориш сувлари натижасида юзага келадиган ирригацион эрозияга ажратилади.

Эрозия таъсирида тупроқ қалинлиги камаяди, тупроқнинг унумдор қисмидаги турли ўлчамдаги заррачалар билан бирга озиқ моддалар ҳам ювилиб, нишаблиги кам ва текис майдонларга олиб бориб ётқизилади. Ювилган жойларда экинлар ҳосили кескин

камаяди, ювилиб келтирилган ётқизикли ерларда эса ўсимлик ғовлаб ўсади ва ҳосил кеч пишиб етилади, натижада ҳосил эртанги сифатли ҳосилга нисбатан озроқ бўлади.

Бўйлама ёки жарланиш эрозияси – ёнбағирлардан келаётган кучли сув оқимлари таъсирида тупроқнинг чуқурлатиб, ўйилиб ювилиши ҳисобланади. Бу жараён бир неча босқичда кечади: дастлаб унча катта бўлмаган (20-25 см.) чуқурчалар ҳосил бўлади ва у кенгайиб, 0,3-0,5 дан 1-1,5 м га қадар бўлган чуқурчалар сўнгра эса йирик жарликлар юзага келади.

Наманган вилояти шимолий-шарқий қисмида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўрганилган минтақада ерларнинг кўп қисми (64%) турли хил эрозияга учраган. Масалан, ирригацион эрозияга 50%, лалми-кўриқ, унумсиз, вақтинчалик яйлов майдонларидаги юза эрозияга 14% тупроқлар дучор бўлган. Қолган 36% майдонлардаги тупроқларнинг сезиларли даражада эрозияга учрамаган дейиш мумкин. Минтақанинг адирлик ҳудудларида кучли жарланган майдонлар 48%, ўртача жарланган майдонлар 44% ни ташкил этади.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқнинг ирригацион эрозияси кенг тарқалган бўлиб, у сув эрозиясининг бир кўринишидир. Ер нишаблиги катта бўлган ерлар ўзлаштирилиб, пахтачиликда фойдаланила бошланиши натижасида кейинги йилларда ана шундай эрозия майдонлари кўпайиб бормоқда.

Тупроқшуносларнинг маълумотларига кўра, қия майдонларда бир марта эгатлаб суғорилганда сув оқизиб кетадиган тупроқ миқдори гектарига 22-50 тоннага, ўта қияликларда эса 690 тоннага етади. Масалан, 3-5⁰ нишаб майдонлардаги оқава сувларни 94 % тупроқдан атиги 6 % и қумдан иборат ҳолос.

Бир йилда ҳар гектардан ўртача 100 т тупроқнинг ювилиб кетиши 100 кг азот ва 115 кг/га фосфор йўқолиши демакдир.

Нишаблиги катта жойларда далага сув юқори оқим билан оқиб келганда унинг оқиш тезлиги критик қийматга етади ва эгатни ювиб кета бошлайди. Критик тезлик тупроқнинг эрозион турғунлигига, механик таркиби, донадорлиги ва бошқа хоссаларига боғлиқ.

Ирригацион эрозия оқибатида тупроқнинг сув-физик, агрохимёвий ва микробиологик хоссалари кескин ёмонлашади, унумдорлиги пасаяди, пахтанинг ҳосилдорлиги 30-40 фоиз ва ундан кўпроқ камаяди, толанинг сифати пасаяди ва чигит секин униб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида жарланиш эрозияси ҳам жуда катта зиён келтиради. Жарланиш ҳодисаси келтирадиган зарарни тасаввур этиш учун қуйидаги рақамни кўрсатиш кифоя: узунлиги эллик, туби тўрт, эни икки ярим метр келадиган чуқурлик (жар) ҳосил бўлганда 650 тонна тупроқ оқиб кетади. Бундан ташқари яна анча миқдорда озик моддалар йўқ бўлади. Унинг ўрнини тўлдириш учун 40 тонна гўнг, 3-4 тонна турли хил минерал ўғитлар келтириш зарур.

Минтақадаги эрозияга учраган бўз тупроқлар эрозияланганлик (ювилиш) даражасига кўра, қуйидаги морфологик кўрсаткичларга эга. Кам ювилган тупроқ - 10см. гача, яъни гумусли горизонтнинг тўртдан бир қисми ювилган. Карбонатли конкрециялар тупроқнинг 30-35 см. чуқурлигида учрайди. Ҳайдалма қатлам оч бўз рангли бўлади.

Ўртача ювилган тупроқнинг 10-20 см. яъни, гумусли горизонтнинг деярли ярми ювилган. Карбонатли конкрециялар 29 см. дан юзароқ (ҳайдалма) қатламда учрайди. Ҳайдалма қатлам ранги сарғиш ёки қизғиш тусда бўлади.

Кучли ювилган – дастлабки гумусли горизонт тўлиқ ва карбонатли В горизонтнинг бир қисми ювилган. Карбонатли конкрециялар тупроқнинг юзасида учраб, ҳайдалма қатламда эса жуда кўп миқдорда бўлади. Ҳайдалма қатлам юзаси карбонатлар таъсирида оқиш товланадиган оч сариқ ёки қизғиш тусли.

Ювилиш даражасидан ташқари тупроқларда ювиб келтирилган ва ётқизилган эрозия маҳсулотларининг қалинлигига кўра қуйидагига бўлинади: кам ювилиб келиб

ўтириб қолган қатламли – 20 см. гача, ўртача 20-40 см. гача ва кучли ювилиб ўтириб қолган қатлам қалинлиги 40 см. дан кўп.

Ўрганилган ҳудудда эрозия жараёнларининг авж олишига асосан қуйидаги табиий ва социал-иқтисодий (антропоген) омиллар сабабчи бўлган.

Эрозиянинг кучайишига таъсир этувчи табиий шароитлар жумласига жойнинг иқлими, рельефи, ер юзасининг геологик тузилиши ва тупроқлар хусусияти кабилар киради.

Иқлим шароитларидан айниқса узоқ давом этадиган (интенсивлиги 0,5-1мм/мин ва ундан ошиқ) кучли ёғинларнинг эрозияга таъсири катта. Бундан ташқари ёғин-сочинларни кескин мавсумийлиги ҳам сезиларли роль ўйнайди

Рельеф шароитлари эрозияни ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Бунда эрозия базисининг чуқурлиги, ернинг нишаблиги, қияликларнинг шакли ва экспозицияси кабиларга қараб эрозия тезлиги турлича бўлади. Ҳудуднинг 73% ортиқ майдони ўртача 1⁰ дан юқори нишабликка эга. Сўнгги йилларда ўзлаштирилган адирликларда (26% майдон) нишаблик 5-10⁰ ни ташкил этади. Жойнинг нишаблиги 1,5-2⁰ бўлганда эрозияланиш эҳтимоли бўлиб, 3⁰ ва ундан ошиқ қияликда эрозия сезиларли ривожланади ва ёнбағирларнинг қиялиги ошиб бориши билан эрозия интенсивлиги кучайиб боради.

Айниқса, 30-50 см. чуқурликларда жойлашган ва усти ғовак ётқизиқлар билан қопланган зич жинслар (гранит, сланец ва қумтошлар) эрозия учун хавфли.

Тупроқ шароитлари ҳам эрозиянинг боришида муҳим роль ўйнайди. Тупроқнинг сув таъсирига чидамлилиги, сув ўтказувчанлиги, механик таркиби, структураси, чириндили горизонтнинг қалинлиги ва ундаги гумус миқдори, зичлиги унинг намлиги, эрозияланиш жараёнларининг интенсивлигига турлича таъсир этади. Ҳудуднинг асосий қисмида (61%) тарқалган бўз тупроқлар гумус миқдорини нисбатан камлиги, структурасининг ёмонлиги ва бошқа хусусиятларига кўра эрозияга чидамлилиги жуда паст ҳисобланади.

Минтақанинг асосий социал-иқтисодий (антропоген) шароитлари ҳам маълум даражада эрозия жараёнларини кучайишига сабабчи бўлади. Аввало, аҳоли зичлигини юқорилиги (1км² майдонга 500 дан ортиқ киши тўғри келади), уларнинг асосий қисмини аграр соҳада бандлиги, кўп ҳолларда деҳқончиликда қўлланилаётган ишлаб чиқариш технологияларини номукамаллиги каби ҳолатлар тупроқлар эрозиясини ривожланишига қулай шароитлар яратади.

Ўрганилган ҳудудда тупроқ эрозиясини олдини олиш ва бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирлар комплексини конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган тарзда қўллаш зарур.

Эрозияга қарши курашнинг илмий асосланган режаларини тузиш ва уни амалда бажаришга қаратилган **ташкилий-хўжалик тадбирлари**- унда алоҳида майдонларнинг эрозияланиш даражасини акс эттирадиган тупроқ карта ва картограммалари каби материалларни тузиш муҳим роль ўйнайди. Бу материаллар асосида хўжаликларнинг йўналиши, ихтисослашуви белгиланиб, муайян майдонларда эрозияга қарши курашнинг аниқ режалари тузилади.

Агротехник тадбирлари - тупроқларни эрозиядан ҳимоялаш имконини берадиган кўп йиллик ва бир йиллик экинлардан фойдаланиш, ерни ишлашнинг мақбул усулини қўлланиш, қор тўплаш ва қор сувларининг оқимини тартибга солишнинг махсус тадбирларидан фойдаланиш.

Агрокимёвий тадбирлар-тупроқнинг эрозияланиш даражаси ошган сайин, унинг ўғитларга бўлган талаби кўпаяди. Натижада қўлланиладиган ўғитларнинг самараси юқори бўлади. Шунинг учун ўғитлар нормаси эрозияланмаган тупроқларга нисбатан ўртача эрозияланган ерларда 20 фоизга, кучли эрозияланган майдонларда 50 фоизга оширилади. Бундан ташқари микроўғитларни қўллаш ҳам сезиларли самара бериб, ғўза ҳосилдорлигини 4 ц/га гача ошириши мумкин. Турли кимёвий бирикмалар билан ер

юзасига ишлов бериш орқали тупроқларнинг эрозияга чидамлилигини кучайтириш мумкин.

Ирригацион эрозиянинг олдини олишда суғориш техникасига жиддий риоя қилиш энг асосий **техник тадбирлардан** бири саналади. Бу мақсадда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- майдон нишаблиги 2-3⁰ ва эгатнинг узунлиги 50 м бўлганда суғоришнинг бошида ҳар эгатдаги сув оқими секундига 0,07 литр бўлиши, эгатлар чеккаси намланиб бўлгандан кейин оқим секундига 0,1 литрга етказилиши мумкин;

- қиялик 3-4⁰ ва эгатнинг узунлиги 100 м гача бўлганда секундига 0,15-0,10 литр ва қиялиги 4-6⁰ бўлганда эса секундига 0,10-0,05 литр бўлиши лозим;

- ўта қия далаларда сув оқимини ўзгартириб туриш, усулида суғоришни кенг қўллаш зарур;

- суғориладиган далаларни суғориш техникасининг мақбул элементларини танлаб қўлланиш мумкин бўладиган қилиб текислаш ҳамда пахта даласининг бир текис намиқишига ва сувнинг тежаб сарфланишига эришиш лозим;

- экинларни суғориш учун ҳар бир эгатга бериладиган сув оқимини ростлаб туришга имкон берадиган эгилувчан ҳамда ярим эгилувчан шланглардан кенг фойдаланиш;

- эрозия етказадиган зарарни анча камайтириш имконини берувчи эрозияга қарши курашнинг бошқа самарали тадбирларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. А х м е д о в Б. Пути повышения плодородия орошаемых эродированных сероземов. Т., ФБ АН Узбекистана 1986. 2. Д а д а х у ж а е в А. Овражная эрозия на сероземах Наманганских адыров и методы их коренной мелиорации. Т., ТашГУ. 1997. 3. Б а н н и к о в А. Г. и др. Основы экологии и охрана окружающей среды. М., ВЛАДОС. 1999. 4. Э р г а ш е в А., Э р г а ш е в Т. Агрэкология. Т., Янги аср авлоди. 2006.

Наманган муҳандислик-педагогика институти

қабул қилинди: 13.06.2013 й.

УДК. 361.314.4

ЯССИ КЕСУВЧИ ВА СТРЕЛКАСИМОН ПАНЖАЛАР ОРАСИДАГИ БҮЙЛАМА МАСОФАНИ АСОСЛАШ

Қирғизов Ҳ.Т., Мамадалиев Ш.

Мақолада секция ишчи аъзолари орасидаги бўйлама масофани аниқлаш учун ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

В статье приведены результаты опытов при определении продольного расстояния между рабочими органами секции.

In this article the results of experiences on defining the longitudinal distance between working bodies of cultivator fastened on section are given.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ғалладан бўшаган далаларни оралик экинларни экишга тайёрлаш асосан, пахтачиликда ишлатиладиган традицион технологиялар ва техника воситаларини қўллаб амалга оширилмоқда, яъни аввал далалар шудгорланади, орқасидан шудгорлашда ҳосил бўлган нотекисликлар текисланади, кейин эса шудгор юзасига ишлов бериш, чизеллаш, бороналаш ва молалаш амалга оширилади. Бундай кўп босқичли ишлов бериш катта меҳнат, энергия ва ёнилғи сарфланиши ва экиш муддатларини чўзилишига олиб келади. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда

оралиқ экинларни экишга тайёрлашда таклиф этилаётган лойиҳада ҳал этилиши зарур бўлган асосий муаммо ғалладан бўшаган далаларга ишлов беришда энергия сарфини камайтириш ва иш сифатини ошириш масалалари бўлиб, уларни ижобий ҳал қилиниши Республикамиз миқёсида қўплаб миқдордаги ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш, меҳнат сарфи ва бошқа сарф харажатларни камайтириш, иш сифати ва унумдорлигини ҳамда такрорий экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини беради.

Бу усулда ғалладан бўшаган ерларга ёппасига ишлов берилмайди, фақат экиладиган қаторлар изларигина юмшатилиб, шу юмшатишган изларга бир йўла қўқ поя учун маккажўхори ёки оқ жўхори экилади. Бунинг учун Т-28Х4 ёки МТЗ-80Х чопиқ тракторларига осилган КХУ-4 культиваторларининг олдинги қисмидан ҳамда хўжаликларда мавжуд бўлган СХУ-04, СТХ-4, СЧХ-4А, СМХ-4, СПЧ-4-6 сеялкаларининг биронтасидан фойдаланилади. Бунда КХУ-4 культиватори олдинги қисмининг секциялари (грядиллари) экиладиган қатор изларини юмшатиб кетадиган қилиб ростланади. Экиладиган қаторлар изларини юмшатиш учун ҳар бир грядилга иккитадан ясси кесувчи (бритва) ва биттадан қамров кенлиги 250 мм бўлган стрелкасимон қирқувчи панжа ўрнатилади. Бунда ишчи органлар юмшатиш чуқурлиги 6 см дан кам бўлмаслиги керак.


Биз секция ишчи аъзоларининг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида, илмий тажрибалар олиб бордик. Оқибатда маълум бир якуний натижаларни қўлга киритишга эришдик.

Тажриба натижалари юқоридаги расмда ҳамда жадвалда келтириб ўтилган.

Маълумотлардан шу нарса кўриниб турибдики, ясси кесувчи ва стрелкасимон панжалар орасидаги бўйлама масофани 20 дан 30 см гача катталаштирганимизда тортишга қаршилиқ кучи 1,86 дан 1,56 кН га камаяди.

Агар бу масофани 35 см га етказганимизда эса деярли ўзгармай қолади. Бу шундан далолат бераптики, агар $L < 30$ см бўлганда стрелкасимон панжа кесиб бораётган тупроқ қатлами ясси кесувчи панжага етиб боради. Натижада ясси кесувчи ва стрелкасимон панжалар орасидаги оралиққа тупроқ ва ўсимлик қолдиқларининг тикилиши содир бўлади, агар $L \geq 30$ см бўлганда бу ҳолат юз бермайди.

Ясси кесувчи ва стрелкасимон панжалар орасидаги бўйлама масофага боғлиқ ҳолда тупроқнинг майдаланиш сифатининг ҳамда тортишга қаршилиқ кучининг ўзгариши



Жадвал

Ясси кесувчи ва стрелкасимон панжалар орасидаги масофа, см.	Тупроқ бўлакчаларининг (%) ўлчамлари, мм		
	> 50	50...25	<25
20	7,99	9,58	82,43
25	8,42	13,44	78,14
30	11,32	13,45	75,23
35	11,70	13,10	75,20

Тупроқнинг майдаланиш сифати ясси кесувчи ва стрелкасимон панжалар орасидаги бўйлама масофани 20 дан 30 см гача оширилганда бир мунча ёмонлашади, бу масофани 35 см га етказилганда эса ўзгаришсиз қолади.

Шундай қилиб, ўтказилган тажриба натижалари ишчи аъзолар секциясига тупрок ва ўсимлик қолдиқларининг тикилмасдан ишлашнинг таъминлаш учун ясси кесувчи ва стрелкасимон панжалар орасидаги бўйлама масофа 30 см. дан кичик бўлмастлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР

1. П р о т о к о л № 26-43-89 (1170310). Государственных приёмочных испытаний опытного образца культиватора - растениепитателя КХУ-4А для междурядной обработки 90, 70 и 60 см. – САМИС, - 1990, 75 стр. 2. Қ и р г и з о в Х. Минимальная обработка почвы и посев. // Сельское хозяйство Узбекистана. 1999 г. № 3. с 49-50. 3. Т у х т а к у з и е в А., Н а с р и т д и н о в А., К и р г и з о в Х. Орудие для обработки почвы. // Официальный бюллетень. -1998. -№4. с. 5...6.

Наманган муҳандислик-педагогика институти

қабул қилинди: 13.06.2013 й.

УДК 621.922.079: 662.997

ОСОБЕННОСТИ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ УГОЛЬНОЙ ЗОЛЫ КАК ЭФФЕКТИВНОГО РЕШЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОБЛЕМЫ

Алиазаров А.Х., Мамадалиев Ш.М.

Мақолада иссиқлик электростанциялари қулини утиллаштириш ва қуёш иссиқлик технологиясининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

Таклиф қилинаётган композицион материаллар ва улар асосида буюмлар олиш технологиясининг иқтисодий ва экологик мақбуллиги кўрсатилган.

В статье рассмотрены особенности гелиотеплотехнологии утилизации зол тепловых электростанций.

Показана экономическая и экологическая приемлемость предлагаемой технологии получения композиционных материалов и изделий на их основе.

In this article qualities of solar thermal technology of use of ash thermal power stations are studied. Economical and ecological profit of presented technology at obtaining of compositional materials and things on their basis is shown.

С первых дней независимости Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым была сформулирована концепция по национально-духовному возрождению, а также улучшения экологической обстановки в нашей Республике. Утилизация угольной золы в нынешнем виде началась с применением технологии сжигания пылевидного угольного топлива при производстве электроэнергии в 20-е годы прошлого столетия, когда угольная зола стала доступна в больших объемах. В обозримом будущем уголь остается единственным и самым значимым по запасам видом топлива [1].

Во всем мире в настоящее время 38% электроэнергии производится из угля, в основном на электростанциях, использующих пылевидное угольное топливо [2], запасов которого хватит более чем на 200 лет.

Разведанные запасы угля в Узбекистане составляют 1900 млн. тонн, в том числе бурого – 1853, каменного – 47, прогнозные ресурсы составляют 5760, из них бурого угля – 5188,2; каменного – 571 млн. тонн [3].

Как видно из вышеуказанного, более 70% добываемого угля – это бурый уголь Ангренского месторождения, который является низкокалорийным и высокозольным. Основные исследования проводились на золах Ферганской и Папской ТЭЦ, а также на золах Ангренской ТЭС, где используются бурый уголь Ангренского месторождения.

В настоящее время на Ново-Ангренской и Старо-Ангренской ТЭС после сжигания бурого ангренского угля при получении электроэнергии скопилось более 50 млн. тонн

угольной золы, объем которой ежегодно увеличивается на 1,5 млн. тонн, которая занимает огромные территории, при ветре поднимается в атмосферу и создает экологически опасную ситуацию в окружающей среде [4].

Следует отметить, что есть много областей использования золы тепловых электростанций, где её можно использовать в виде теплоизоляционного материала, минеральных удобрений, в дорожном строительстве как основание асфальта и другие. Есть много способов получения полезных свойств золы, так например, получения сухой строительной смеси путем механического дробления, извлечение полезных элементов химическим путем, дающий возможность получения качественного комплексного минерального удобрения и путем ситового разделения получить как основание при дорожном строительстве на территориях ТЭС, способствующий улучшению экологической обстановки в районах, расположенных вблизи тепловых электростанций.

В частности, в соответствии с современными представлениями о структуре многокомпонентных материалов, введение золы в состав цементных систем представляет собой наполнение вяжущего, так как зола является типичным высокодисперсным наполнителем. Такой подход к цементно-зольным системам весьма важен, т.к. позволяет использовать методы расчета оптимального наполнения вяжущего и получать экстремумы прочностных показателей с позиций полиструктурной теории композиционных строительных материалов[5].

Разработанная для производственных условий технология состоит из следующих стадий (рис. 1). Водопроводная вода через мерник 1 поступает в гелиоколлектор 2, где происходит ее нагрев до 38-41⁰С, после чего она попадает в ороситель для теплообменных аппаратов 3, где её температура доводится до оптимальной.

Технологическая схема производства золоцементных материалов




Рис. 1. 1 – мерник; 2 – гелиоколлектор; 3 – ороситель для теплообмена; 4 – дозатор для МПД; 5 – ёмкость для жидких целевых добавок; 6 – турбулентная растворомешалка; 7 – ёмкость для золы; 8 – дозатор; 9 – шнек; 10 – сито; 11 – дозатор для золы; 12 – шнек для цемента; 13 – ёмкость для цемента; 14 – ёмкость для дисперсных целевых добавок; 15 – шнек для извести; 16 – растворный насос; 17 – сплошная опалубка для стен; 18 – формы для готовых изделий; 19 – комбинированная гелиоустановка.

Затем она направляется в дозатор 4, в который поступает также модифицирующе-пластифицирующая добавка из ёмкости жидких целевых добавок 5. После перемешивания смесь (водный раствор) поступает в растворомешалку 6. Зола из ёмкости 7, пройдя дозатор 8, при помощи шнека 9 подается в сито 10 для удаления шлаков крупной

фракции. Затем зола в определенной дозе подается к дозатору 11 и направляется в растворомешалку 6, в которую также шнеком подается цемент из ёмкости 13 и известь из ёмкости для дисперсных целевых добавок 14 шнеком 15. После получения однородной массы приготовленный раствор насосом 16 перекачивается к формам для формовки изделий 17, 18. Полученные изделия направляются в комбинированную гелиоустановку 19, где в процессе тепловой обработки изделия достигают требуемой прочности[6].

Важнейшими характеристиками золоцементных материалов, определяющих их долговечность, являются водопоглощение и морозостойкость. Анализ образцов после гелиотеплохимического воздействия показывает, что с увеличением плотности снижается их весовое и объёмное водопоглощение, коэффициент размягчения золоцементных материалов незначительно (3-4%). Резкое снижение водопоглощения наблюдается в случае механохимической активации системы при оптимальном температурном режиме, что говорит о значительном снижении капиллярной и открытой пористости структуры.

Гидрофизические показатели золоцементных материалов тесно связаны с морозостойкостью[7]. Установлено, что во всех эксплуатируемых составах образцов с добавками МПД и извести наблюдается достаточно высокая морозостойкость, соответствующая требованиям строительных норм. Для золоцементных материалов отмечена прямо-пропорциональная зависимость коэффициента морозостойкости и кинетики деформации при кратковременной нагрузке на образцы от расхода цемента.

Исследованиями была найдена аналитическая зависимость, которая учитывает следующие факторы: подъём температуры в расчётной точке за счёт внутреннего тепловыделения с учётом коэффициента лучепоглощения

$$\Delta t_{q_i}^{j-1} = \frac{m_v \cdot \Delta \tau}{c \cdot \rho} \cdot q_{\Delta_i}^{i*} + q_l^i \cdot k_i,$$

где c – удельная теплоемкость (830-870 Вт/мК), m_v – масса цемента в 1 м^3 бетона (180-295 кг/м³), ρ – плотность изделия (1316-1530 кг/м³), $q_{\Delta_i}^0$ – интенсивность тепловыделения от гидратации цемента (Вт/м³), q_l^i – удельная теплота за счет поглощения солнечной радиации, (Вт/м³), k_i^i – коэффициент лучепоглощения при 80%-ном наполнении золой (0,81 Вт/м²К).

Количество теплоты, выделяющейся в объём изделия за время $\Delta \tau$

$$Q_{\Delta}^{ij} = m_v \cdot \Delta \tau \int_V q_{\Delta}^j \cdot dv + \frac{1}{k_i} \int_V q_{\Delta}^i \cdot dv \approx m_v \cdot \Delta \tau \cdot \Delta x \sum_{j=1}^K Q_l^j + \frac{1}{k_i} \sum_{i=1}^S Q_l^i;$$

где j, i – индекс момента времени, определяемый по методике равных тепловыделений и временем лучепоглощения.

Удельная интенсивность теплового потока q_{Δ} , генерируемая в комбинированной гелиоустановке

$$q_F = -\frac{\lambda}{\Delta x} (t_r^{j-1} - t_1^{j-1}) + \Delta x \cdot \lambda \cdot c \cdot \rho (t_r^j - t_1^{j-1}) \cdot 0,5 - \lambda \cdot m_v \cdot \Delta x \cdot q_{\Delta} \cdot 0,5 + \Delta x^2 + q_{\Delta} K_i$$

Количество теплоты, необходимое для обогрева изделия за счет гелиотепловой обработки

$$Q_F^{ji} = q_{\Delta}^j \cdot \Delta \tau + q_1^i \cdot \Delta \tau + q_l^i \cdot \Delta r^1;$$

Коэффициент эффективности

$$K = \frac{Q_{\Delta}}{Q_r} \cdot 100\%.$$

Алгоритм расчёта реализован на языке TURBO PASKAL 6.0 для Pentium-4. Время счёта каждого варианта 15-17 мин. Результаты поставленной задачи для $l_1 < l_2 < l_3 <$ анализированы в трёх сечениях, которые соответствовали точкам N2, N3 и N4.

Установлены граничные показатели гелиотеплохимически обработанного золоцементного мелкозернистого изделия на прослойках (табл. 1).

Граничные показатели гелиотеплохимически обработанного золоцементного мелкозернистого изделия на прослойках.

Отмечено, что полученные данные хорошо коррелируют с кинетикой тепловыделения золоцементных систем в табл. 2, где приведены временные показатели тепловыделения золоцементных материалов при гелиотеплохимической обработке.

Таблица 1.

Гра- ничные точки	$l_1 = 0,1 \pm 0,001 \text{ м}$			$l_2 = 0,2 \pm 0,001 \text{ м}$			$l_3 = 0,4 \pm 0,001 \text{ м}$		
	$\Delta t^1, ^\circ\text{C}$	$t^1, ^\circ\text{C}$	$Q_3^1, \text{ МДж}$	$\Delta t^2, ^\circ\text{C}$	$t^2, ^\circ\text{C}$	$Q_3^2, \text{ МДж}$	$\Delta t^3, ^\circ\text{C}$	$t^3, ^\circ\text{C}$	$Q_3^3, \text{ МДж}$
N2	16,2	79,10	1,44	18,9	77,91	3,32	18,97	71,32	4,92
N3	14,6	80,45	1,31	18,1	76,21	3,11	14,17	60,62	3,41
N4	13,9	80,67	1,31	17,2	73,20	2,93	9,07	51,07	2,32

Наполнение золой на 20, 40, 60 и 80% снижает тепловыделение соответственно на 17, 40, 50 и 57%. Введение МПД снижает тепловыделение на 5; 6, 4; 8% в следующем порядке МПД-1 > МПД-3 > МПД-2. Это объясняется избирательной адсорбционной способностью модифицированных пластифицирующих добавок на активных центрах поверхности частиц золы и цемента.

При увеличении толщины прогрев внутренних слоёв изделия, как показывают исследования, значительно отстаёт от прогрева внешних слоев. Поэтому величины максимумов и время их появления в исследуемых точках изделия значительно отличаются между собой, что указывает на интегральные показатели мелкозернистого многокомпонентного изделия во время гелиотеплохимической обработки (табл. 3. а,б).

Таблица 2.

Сроки определения тепловыделения, ч	Превышение температуры (оС) при содержании золы, мас. %				
	0	20	40	60	80
5	18	9	7	5	4
10	38	28	21	12	8
15	29	25	23	29	16
20	17	18	16	19	16
25	13	12	10	9	8
30	8	7	6	6	6
35	6	5	5	4	4

Таблица 3.а

$l, \text{ м}$	qэ, кВт /м3	$\tau, \text{ max, ч}$	$Q_3, \text{ МДж/ м}^3$	$Q^*, \text{ МДж/ м}^3$
$0,1 \pm 0,001$	4,86	5	4,31	42,10
$0,2 \pm 0,001$	4,11	6	8,20	39,81
$0,3 \pm 0,001$	2,07	8	15,31	38,21

Таблица 3.б

$l, \text{ м}$	$t, ^\circ\text{C}$	$\Delta t, ^\circ\text{C}$	$Q_f^*, \text{ МДж/ м}^3$	$\tau, \text{ ч}$	$Q_3^*/Q_f^*, \%$	$Q_3^*/Q_{\text{треб}}^*, \%$
----------------	---------------------	----------------------------	---------------------------	-------------------	-------------------	-------------------------------

0,1 ± 0,001	80,45	14,42	13,21	5	31,87	16,84
0,2 ± 0,001	77,92	16,94	11,84	11	38,39	15,92
0,3 ± 0,001	60,14	13,63	10,37	13	36,85	15,28

Анализируя результаты расчётов для мелкозернистых изделий различной толщины можно отметить следующее: толщина изделия влияет не только на количественные характеристики тепловыделения, но и изменяет его кинетику. Установлено также, что чем толще изделие, тем больше выделяется теплота в абсолютных единицах и тем большую долю она составляет в общем количестве тепла на прогрев. Это легко объясняется тем, что при увеличении толщины изделия в расчете на удельную площадь обогреваемой поверхности наблюдается и возрастание объёма изделия. В то же время надо отметить, что на удельный объём такой прямой зависимости уже не будет [8, 9].

Таким образом, расчет фактической экономической эффективности от внедрения экологически приемлемой технологии позволило домостроительному комбинату г. Намангане сэкономить энергоресурсы и дорогостоящий цемент, а также позволило использовать техногенные отходы, что улучшило экологическую обстановку в Ферганской долине.

ЛИТЕРАТУРА

1. web: www.dti.gov.uk/cct/. 2. web: www.ugleman.ru. 3. Ш а и с л а м о в А.Ш., Б а д а л о в А.А., Ш а и с л а м о в У.А. Экологические аспекты развития энергетики Узбекистана. В кн: Энергосберегающие технологии и окружающая среда. Труды межд.конф. 2004 год, Иркутск. -с. 359 – 363. 4. Т а д ж и е в К., Д я д и к А., С а ф о е в М. Золой Ангренского угля. Освоение комплексной технологии извлечения ценных компонентов из золы. Экологический вестник. №6, Ташкент. -с.20. 5. A l i n a z a r o v A.Kh., M u k h i d d i n o v D.N. Solar Thermochemical Treatment of Ash-Cement Compositions. Applied Solar Energy. Vol. 35, No. 4. Allerton Press, Inc. /New York. 1999., pp. 13-19. 6. А л и н а з а р о в А.Х. Гелиотеплохимическая обработка золоцементных материалов //Альтернативная энергетика и экология, АЭЭ, 2006. - № 6 (38). - С. 114-116. 7. A l i n a z a r o v A.Kh., A t a m o v A.A., M u k h i d d i n o v D.N. Hydrophysical Properties of Ash-Cement Compositions and their Effect on Solar Thermal Chemical Treatment. Applied Solar Energy. Vol. 37, No. 1. Allerton Press, Ins. /New York. 2001.,pp. 44-48. 8. A l i n a z a r o v A.Kh. Effect of Solar Thermal Chemical Treatment on Deformable Indices of Ash-Cement Compositions. Applied Solar Energy. Vol. 36, No. 3. Allerton Press, Ins. /New York. 2000., pp.70-73. 9. А л и н а з а р о в А.Х., Г у л я м о в А.Г. Принципы управления параметрами теплоносителя и оптимизация режимов тепловой обработки в гелиотехнологических установках //Альтернативная энергетика и экология, АЭЭ, 2005. - № 8 (28). -С. 40-42.

Наманганский инженерно-педагогический институт

дата поступления: 13.06.2013 г.

УДК 677.21:021

**ЖИН МАШИНАСИННИГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛИ БИЛАН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Саримсақов А., Умаров А., Эргашев Ж.

Мақолада муаллифлар томонидан жин машинасининг иш унумдорлигини ошириш мақсадида ишчи камерасига қувур ўрнатиш таклиф қилинган. Шу қувур тирқишлари орқали чиқётган ҳаво оқими аррали барабан тишларига илашадиган толалар миқдорини ошириш билан бирга толадан ажраган чигитларни ишчи камерасидан чиқиб кетишини тезлаштиради. Шунингдек, жин машинаси иш унумдорлигини ошириш мақсадида янги усулларда толадан чигитни ажратиб олувчи қувурлар тавсия этилган.

В статье авторами рекомендована установка воздуховода в середине рабочей камеры джина. Выходящие струи воздуха через щели воздуховода способствуют увеличению захватывающих способностей в зубьях пыльного цилиндра и одновременно

ускоряет выход дженированных семян из рабочей камеры. Кроме того, предлагается новая конструкция джина, где отделение волокон от семян осуществляется новым способом.

In there article authors recommend installation of an air line in the middle of the working chamber of gin. Leaving currents of air through air line cracks promote increase of gripping device abilities in teeth of saw cylinder and simultaneously accelerates the output of ginned seeds from the working chamber. Besides, it is offered a new gin construction where separation of fibres from seeds is carried out by a new method.

Ўзбекистон истиклолга эришгач, пахта етиштириш, уни дастлабки қайта ишлаш, жаҳон бозорида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Бундай ўзгаришлар республикада мавжуд пахта тозалаш заводлари томонидан ишлаб чиқарилаётган тола сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан илмий асосланган ўзгартиришларни киритишни талаб этмоқда. Пахта тозалаш заводларининг асосий вазифаси ҳар йили қабул қилинган пахтадан унинг табиий хусусиятини сақлаган ҳолда юқори сифатли тола, линт ва чигит ишлаб чиқаришдан иборат. Пахта тозалаш заводларининг асосий технологияси жин машинаси ҳисобланади.

Бу машинада толани чигитдан ажратиш амалга оширилади. Шунинг учун бу жараёни такомиллаштириш толанинг сифатини яхшилаш, чигитнинг шикастланишини камайтириш ва жин машинаси иш унумдорлигини ошириш мақсадида бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Улар ичида жин машинасининг иш унумдорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади.

Масалан, аррали дискнинг диаметрини ошириш йўли билан ёки хом-ашё валигининг айланишини тезлаштириш орқали жин машинасининг иш унумдорлигини оширишга эришиш, маълум бир вақт ичида арра тишларига илашадиган тола миқдорини кўпайиши ҳисобига амалга оширилади.

Муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида жин машинасининг иш унумдорлигини ошириш қуйидаги усулда амалга оширилган [1].

Бунда жин машинаси ишчи камерасига ўрнатилган қувурнинг пастки қисмида тирқиш қўйилган бўлади. Қувурга ҳаво ҳайдалганда ана шу тирқиш орқали чиқаётган ҳаво оқими аррали барабанга қараб йўналтирилади. Натижада, ҳаво таъсирида аррали барабан тишларига илашадиган тола миқдори ошишига имкон яратади. Аррали барабанга қараб йўналган ҳаво оқими толадан ажраган чигитларнинг ишчи камерадан чиқиб кетишини тезлатади.

Тажрибалар иккинчи нав пахтанинг толасини чигитдан ажратиш мақсадида Гулбоғ пахта тозалаш заводининг технологик жараёнида ўрнатилган жин машинасида ўтказилди. Бунда пахтанинг намлиги 7.8 % ва 8.5 % ни ҳамда унинг ифлослиги 1.2 % ва 0.98 % ни ташкил қилди. Ишчи камерага ўрнатилган қувурнинг энг самара бериб ишлайдиган диаметри 56 мм ни ташкил қилган бўлса, унинг тирқишидан чиқаётган ҳавонинг тезлиги эса 16.8 м/с га тенг бўлди. Мана шу ўлчамларда жин машинасининг ишчи камерасига ўрнатилган янги мослама самара бериб ишлади. Натижада, пахтани жинлаш жараёнида чигитларнинг шикастланиши камайганлиги ҳисобига толадаги ифлослик ва нуқсонлар миқдори 0.56 % ни ташкил қилган бўлса, янги мослама ўрнатилгандан кейин 0.23 % ни ташкил қилди.

Жин машинасининг ишчи камерасидаги ҳавони арра тишларига қараб ҳайдаш мўлжалланган қувур кўзгалмас бўлганлиги сабабли хом-ашё валигининг айланишига тўсқинлик қилади. Оқибатда хом-ашё валигининг айланиши секинлашади. Бу камчиликни тугатиш мақсадида, муаллифлар томонидан хом-ашё валигининг ўртасига ўрнатилган ҳавони пуфлаб бериб турадиган қувур ташқарисига тўрли барабан ўрнатиш таклиф қилинган.

Жин машинаси ишлаганда ишчи камерасида ҳосил бўладиган хом-ашё валиги ўртасига йиғилган толадан ажралган чигитлар тўрли юзага ўтади. Бу чигитлар тўрли юза ичидаги ҳаво пуфлашга мўлжалланиб ўрнатилган қувур деворлари устидан сирғаниб, ўз оғирлиги таъсирида пастга тушади. Тўрли юзанинг пастки қисмида тўпланган чигитлар катта босимда пуфланаётган ҳаво оқими тўғри ташқарига чиқариб юборилади. Бу ҳаво оқими чигитларни ташқарига чиқариш билан бирга аррали барабан тишларига толани илашишининг кўпайтириш имконини беради.


Муаллифлар жин машинасининг иш унумдорлигини ошириш мақсадида янгича усулларда толани чигитлардан ажратиш олишни таклиф қиладилар [2]. Таклиф қилинган жин машинаси эластик узлуксиз тасмали горизантал тасмадан иборат. Бу тасма кенлиги бўйича йўлаклардан иборат бўлиб, таъминлагич тагида етакловчи валик ва еталанувчи валик ғўлага кийдирилган. Етакловчи валик зонасида эластик тасма билан қўзғалмас пичоқ бор. Пичоқдан чигитларни урувчи орган ажратиш олади. Етакловчи валик ўзининг юзасида ҳалқасимон ажратувчи элементларга эга. Булар валик бўйича ячейка ҳосил қилган ҳолда кадамларда жойлаштирилган, уларнинг ҳар бирида мос равишда йўлаклар жойлашади. Бу пахта бўлакчалари жойлашиши учун етакланувчи валик юзасида барча йўлаклар қўшни йўлак билан тирқиш ҳосил қилган ҳолда жойлашади.

Етакловчи валик етакланувчи валикка нисбатан калтароқ тайёрланган. Унинг узунлиги бўйича барча йўналишлар тирқишсиз (қисилиброк) ётади. Шундай қилиб, йўлаклар орасидаги тирқиш етакловчидан етакланувчи валик томон камайиб бориб, охири юзасида бутунлай йўқолади. Тасманинг ишчи юзасида пахтанинг самарали ушлаб қолишни таъминлаш учун чигитдан ажралаётган толани олишда сўрувчи ҳаво қувурида хизмат қилади. У тасма пастига туради.

Пахта таъминлагичдан ташувчи йўллар юзасига келади. У ерда йўлаклар орасидаги тирқишлардан ҳаво сўрилиш ҳисобига толалар шу тирқишларга киради ва чигит ўлчамига қараганда тирқиш кичик бўлганлиги учун юзада қолади. Кейинчалик етакловчи валик томон ҳаракатда тирқиш кичрайиб бориб, тирқишдаги толалар қисилиб қолади.

Етакловчи вал бўйича йўлаклар бирин-кетин жинлаш валигидан барча йўлаклар қилинганлиги йиғиндисиде катталиги туфайли ҳосил бўладиган маълум кучланиш билан таъсирланади. Бундан ушлаб қолинган пахта бўлакчаси жинлаш зонасига олиб борилади. Бу ерда чигитдан тола ажратиш ҳолати содир бўлади. Чигитлар қўзғалмас пичоқ кирраси билан ушланади ва урувчи валик парраклари билан тўқнашиб, чигитлар ажратилади. Йўлакларнинг етакланувчи валик томон қайтишида яна тирқишлар ҳосил бўлади ва сўрувчи ҳаво транспортёр юзасидаги толаларни олади ва ҳаво чиқариш қисмига юборилади.

Ташувчи юза шундай тайёрланиши, толалар йўлаклар ёрдамида қўшимча ушлаб қолиши имкониятини ҳосил қилади ва



1-расм. 1-ишчи камера, 2-колосниклар, 3-аррали цилиндр, 4-чигит тароғи, 5-цилиндр кўринишидаги барабан, 6-барабанга ўрнатилган стерженлар, 7-барабан ичига ўрнатилган эластик элемент, 8-барабан ичига ўрнатилган кия пластинка, 9-чигит чиқариш қувури.

транспортёрнинг жинлаш шартларини бузмаган ҳолда ушлаб қолиш қобилиятини оширади.

Пружина ёрдамида толани чигитдан ажратишни таъминлайдиган қурилмадан иборат бўлган жин машинаси қуйидаги асосий элементлардан: пахта кирадиган қувур, хом-ашё камераси, пружинани ўқ бўйлаб ҳаракатлантирувчи диск, пружина ичида пластинкалардан ташкил топган ҳаво сўрувчи қувур, пружина, дискка ҳаракат берувчи шатун, колосник панжараси, чигит тутадиган қувур, чигит шнеги, шатунни ҳаракатлантирувчи механизм, тола ташувчи қувурдан ташкил топган [3].

Бу қурилма қуйидагича ишлайди: қувур бир нечта пластинкалардан ташкил топган бўлиб, улар орасидаги масофа чигит ўлчамидан катта бўлмаганлиги сабабли у ерда фақат тола сўрилади. Пластинка юзасида турган чигитдаги толанинг пластинка юзасида жойлашган спиралсимон пружинанинг сиқилиши натижасида қирқиб олинади.

Толадан ажралган чигит колосник панжара орқали ўтиб, чигит ўтказиш қузури ёрдамида чигитни ташувчи шнекка тушади ва жиндан чиқарилади. Пружиналар ўткир қиррали бўлганлиги сабабли уларнинг ўртасига ўрнатилган диск ёрдамида ўқи бўйлаб ҳаракатга келтиради. Диск ўртада жойлашган, унинг ҳаракатланиши натижасида пружинанинг бир қисмини сиқилиш ва иккинчи қисмини чўзилиш вақтида пружинанинг ўткир қирралари орасидаги масофа чигит ўлчамларидан катта бўлмайди. Шунинг учун тола ҳаво таъсирида пружина орасидаги тирқишлардан чигит ўтмай тўхтаб қолади. Пружинанинг қисилиши натижасида толалар қирқилиб чигитдан ажралиб қолади. Қирқиб олинган тола ҳаво оқими таъсирида мўлжалланган жойга узатилади. Пластинкалардан ташкил топган цилиндр юза бу жиннинг иш унумдорлиги ортишини таъминлайди. Юқорида келтирилган иккита жиндан биринчи толани чигитдан ажратиб олишда ғўлални жиннинг иш жараёнига яқин бўлса, иккинчиси пружинанинг ўткир қирралари аррали жинни эслатади.

Яна бир таклиф қилинаётган қурилма асосан қуйидаги элементлардан: 1-ишчи камера, 2-колосниклар, 3-аррали цилиндр, 4-чигит тароғи, 5-цилиндр кўринишидаги барабан, 6-барабанга ўрнатилган стерженлар, 7-барабан ичига ўрнатилган эластик элемент, 8-барабан ичига ўрнатилган қия пластинка ва 9-чигит чиқариш қузуридан ташкил топган [4]. Ушбу қурилма қуйидагича ишлайди. Пахта ишчи камерага келганидан сўнг, аррали цилиндр ёрдамида илиб олинган пахта толаси колосниклар ёрдамида чигитдан ажратилади. Чигитлар колосниклар юзи бўйлаб ўз оғирлиги таъсирида чигит тароғига келиб тушади. Чигит тароғи билан арралар орасидаги масофадан фақат тўла толадан ажратилган чигитлар чиқиб кетади. Толанинг чигитдан ажралиб чиқиш вақтида ҳосил бўлган хом ашё валиги ўртасида ҳам толадан ажралган чигитлар тўпланиб қолади. Мана шу чигитларни чиқариб юборишга мўлжалланган цилиндр кўринишидаги барабан ишчи камеранинг ўртасига ўрнатилган. Чигитлар барабан тепа қисмида эластик элемент (асос) га ўрнатилган стерженлар орасидан ўтиб, қия ўрнатилган пластинка бўйлаб ўтиб, чигит чиқариш қузури орқали чиқиб кетади (1-расм). Қурилманинг ушбу янги элементлари хом ашё валиги ўртасида тўпланиб қолган толадан ажралган чигитларни ўз вақтида чиқиб кетишини таъминлаш орқали тола ажратиш жараёнининг иш унумдорлигини ҳамда самарадорликни ошириш имкониятини яратади.

Ҳар учта янги ихтиро қилинган жин машиналарининг ишлаш жараёнида пахтанинг толасини чигитдан ажратиб олиш янги усулда амалга оширилади. Бу ишларда илгари сурилган ғоя толани чигитдан ажратиб олишда унинг сифатини бузмасдан, калта толалар ҳосил қилмасдан жин машинаси иш унумдорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Бу таклиф этилаётган фикр-мулоҳазалардан янги жин машинаси яратиш устида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

1. М у х а м м а д и е в Д. «Пути повышения технологических и эксплуатационных свойств машин пильного дженирования» Проблемы текстиля. № 3.2008. 2. С у л а й м а н о в Р. «Разработка рабочей камеры с улучшенным семьявыделением при пильном дженировании хлопка-сырца» Кан.тех.наук ТИТЛШ Тошкент, 2006.130с. 3. И р м а т о в Э.М., М у р а д о в Р.М., Я к у б о е в Б.Н. Волокноотделитель. А.С. №1831521. 30.07.93. 4. М у р а д о в Р.М., С а ф а р о в Н.М., О б и д о в А.А. “Пахта толасини чигитидан ажратиш курилмаси” Патент № IAP 04362.

Наманган муҳандислик-технология институти

кабул қилинди: 17.04.2013 й.

СВОЙСТВА ЦЕМЕНТНОГО КАМНЯ ОПТИМАЛЬНОГО СОСТАВА С ДОБАВКАМИ В УСЛОВИЯХ СУХОГО ЖАРКОГО КЛИМАТА

Абобакирова З.А.

Мақолада анъанавий ва гидрофоб-пластифицирловчи қўшимчаларнинг янги турларини энг мақбул таркибдаги цемент тошининг структура ташкилловчи хоссаларига шу жумладан, иссиқ, қуруқ иқлим шароитларида қотишига таъсир этишини аниқлаш учун ўтказилган таққословчи тажрибалар ва маълумотлар келтирилган.

В статье приведены данные сравнительных экспериментов по установлению влияния традиционных и новых видов гидрофобно-пластифицирующих добавок на структурообразование и свойства цементного камня оптимального состава, в том числе и при твердении в условиях СЖК.

This article presents data of comparative experiments to establish the influence of the traditional and new types of hydrophobic plasticizer on structure and properties of optimal cement composition including hardening in hot, dry climate.

$V_0=25 см^3$, $c=0,25 см^3$ бўлганда титрланадиган кислоталик C_{H^+} , маҳсулот миллимоли $H^+/дм^3$ қуйидаги 2-формула билан ҳисобланади.

$$C_{H^+} = 10 V_1 \quad (2)$$

Титрланадиган кислота концентрациясининг массаси x , $г/дм^3$, вино, олма ёки лимон кислота ҳисобида қуйидаги 3-формула асосида ҳисобланади.

$$x = \frac{V_1 c M}{V_0} \quad (3)$$

бу формулада M -моляр масса, $г/дм^3$ вино кислота учун $M (1/2 C_4H_6O_6)=75,0$;

Олма кислота учун $M (1/2 C_4H_6O_5)=67,0$;

Сувсиз лимон кислота учун $M (1/3 C_6H_8O_7)=64,0$.

$V_0=25см^3$, $c=0,25см^3$ бўлганда титрланадиган кислота концентрациясининг массаси x , $г/дм^3$, вино, олма ёки лимон кислота ҳисобида қуйидаги 4-формула асосида ҳисобланади.

$$x = 0,01 V_1 M \quad (4)$$

Титрланадиган кислота (x_1)масса улуши %, вино, олма ёки лимон кислота ҳисобида қуйидаги 5-формула асосида ҳисобланади.


$$x_1 = \frac{V_1 V_2 c M}{m V_0} \cdot 0,1 \quad (5)$$

бу формулада: V_2 -намунани суюлтирилгандаги ҳажми, $см^3$; m -маҳсулот намунасининг массаси, $г$.



Маълумки, моносахаридлар металл оксидлари каби кучсиз оксидловчилар билан оксидланганда уларнинг карбонил группаси, карбоксил группага айланади. Масалан, глюкозадаги альдегид группани оксидланиши ҳисобига глюкон ёки глюконат кислотага айланади. Яъни, эркин альдегид ва кетон группалари бўлган қандлар қайтариш хусусиятига эга эканлигини кўриш мумкин.

Табиий мева шарбатлари таркибидаги қандларни Бертран усулида аниқлаш уларнинг ишқорий муҳитда икки валентли мисни бир валентли мис оксидига қайтаришига асосланган.


Бу усулда фелинг-1 ва фелинг-2 эритмаларидан фойдаланиб, фелинг реактиви тайёрланади.




Фелинг-2 эритмаси: (сигнет тузи вино кислотанинг натрий ва калий тузи эритмаси).




Фелинг реактиви фелинг-1 ва фелинг-2 эритмаларини бир хил ҳажмдаги аралашмасидан ҳосил қилинади. Бунда ҳосил бўлган мис(II)-гидроксид сигнет тузи билан реакцияга киришиб комплекс бирикма ҳосил қилади:




Фелинг реактиви қанд таркибидаги альдегид ва кетон группаларини оксидлайди, реактив таркибидаги икки валентли мис эса мис (I)-оксид (Cu_2O) га қадар қайтариледи ва қизил чўкма ҳосил бўлади:



Реакция натижасида ҳосил бўладиган қизил рангли чўкма (Cu_2O) аниқланмоқчи бўлган маҳсулот таркибидаги қанд миқдорига пропорционал равишда тушади. Ҳосил бўладиган чўкма миқдорини аниқлаш учун унга кислотали муҳитда темир (III)-сульфат $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ ёки темир(III)-сульфатнинг аммонийли тузи—аччиқтош $\text{NH}_4\text{Fe}(\text{SO}_4)_2 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$ таъсир эттирилади.



Бу реакцияда иккита мисга иккита темир тўғри келишини кўриш мумкин. Шунинг учун қайтарилган икки валентли темир миқдорини, кислотали муҳитда калий перманганат эритмаси билан титрлаш орқали аниқланади:



Титрлаш учун кетган калий перманганатнинг миллилитр ҳажми эквивалент миқдоридаги мис (I)-оксидининг миллиграмм миқдорида ҳисобланади.

Керакли жиҳозлар: пипеткалар, 150 мл ва 100 мл ҳажмдаги 8 (саккиз) дона шиша колбалар, ўлчаш цилиндрлари, бюретка, штатив, воронкалар, филтр қоғозлари, электр плитка, бунзен колбаси, шоте воронкаси, вакуум насос.

Реагентлар: 6%-ли мис сульфат тузи эритмаси, 1,25%-ли натрий гидроксид эритмаси, 4%ли мис сульфат тузи эритмаси, дистилланган сув, фелинг реактиви.

Фелинг реактиви қуйидагича таёрланади:

фелинг-1 учун, 4г мис сульфат тузи 100 мл сувда эритилади.

фелинг-2 учун, 100 г сегнет тузи 250 мл сувда эритилиб, устига 75 г натрий гидроксид қўшиб, эритма ҳажми сув билан 0,5 л га етказилади.

Аниқлаш усули: алкогольсиз ичимликлар, жумладан, табиий шарбатлар ва нектарлар таркибидаги глюкозанинг миқдорини аниқлаш учун 150 мл ли стаканга 10 мл шарбатдан олиб, Барнштейн реактиви билан ишланади. Бунинг учун унинг устига 15мл 6%-ли мис сульфат тузи эритмаси қуйиб, шиша таёқча билан аралаштирилади ва яна 15 мл, 1,25%-ли натрий гидроксид ишқор эритмаси қўшиб аралаштирилади. Сўнгра стаканга яна 60 мл дистилланган сув қуйиб, аралаштирилиб, 30 минутга 35-45°C температурали сув ҳаммомига қўйилади. Бунда шарбат таркибидаги оксиллар чўкмага туширилади. 39 минутдан кейин стакандаги аралашма қоғоз филтр ёрдамида филтрланади. Ажратиб олинган тиниқ филтратдаги глюкоза миқдори Бертраат усулида аниқланади.

Бунинг учун 100 мл ли колбага пипетка билан 20 мл филтратдан олиб, устига фелинг реактиви қўйилади. Колба электр плитकाда қайнагунча қиздирилади, кейин 3 минутча қайнатилади. 3 минутдан кейин колбада ҳосил бўлган чўкма суви билан Бунзен колбасига ўрнатилган, Шоте варонкасига ағдарилади. Шоте варонкасидаги суюқлик вакуум насос ёрдамида Бунзен колбасига ўтказилади. Лекин чўкма ҳаво кислороди таъсирида оксидланмаслиги учун, устида сув қатлами қолиши шарт. Филтрли варонкада қолган чўкма қайноқ сув билан 2-3 марта чайилади. Сўнгра варонка тоза Бунзен колбасига ўтказилади. Варонкадаги чўкма 5-10 мл аччиқ тош эритмаси қуйиб, чўкма эритилади ва вакуум ёрдамида Бунзен колбасига туширилади. Колбадаги эритма 0,1 н

KMnO_4 тузининг эритмаси билан доимий оч пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади.

Титрлаш учун кетган калий перманганат эритмаси ҳажмидан шарбат таркибидаги глюкоза миқдорини ҳисоблашда фойдаланилади. Бунда қуйидаги математик ҳисоблаш услуби яъни пропорциядан фойдаланилади:

(1 мл 0,1 н $KMnO_4$ 6,36 мис оксиди чўкмасига тўғри келади).

1. Ҳ мл 0,1 н $KMnO_4$ неча мг мис (I)-оксидига тўғри келади?

1 мл 0,1 н $KMnO_4$ ————— 6,36 мг Cu_2O

Ҳ мл 0,1 н $KMnO_4$ ————— X мг Cu_2O

2. Тажриба учун олинган 10 мл ҳажмдаги мева шарбатидан 100 мл глюкоза эритмаси таёрланган эди, шундан 20 мл даги глюкоза миқдори аниқлаш учун ишлатилди. 100 мл глюкоза эритмаси (ёки 10 мл шарбат): $W = 5x \cdot Y$ /мг Cu_2O / .

3. Қуйидаги I-жадвалдан Wмг Cu_2O – F мг глюкозага мос келиши аниқланилади.

4. F мг глюкоза тажриба учун олинган 10 мл шарбатнинг неча %-ни ташкил қилади?

10 г = 10000 мг ——— 100% Fмг ————— Z %

Шундай қилиб, мева шарбати таркибида Z% глюкоза борлиги ҳисобланади ва қуйидаги I - жадвалдан фойдаланилади.

I-жадвал

Мис миллиграмларига тенг бўлган эрувчан қанд (глюкоза) миқдори (Бертран бўйича)

Мис	Глюкоза	Мис	Глюкоза	Мис	Глюкоза	Мис	Глюкоза
8,0	3,75	11,5	5,50	15,0	7,25	18,5	9,00
8,1	3,80	11,6	5,55	15,1	7,30	18,6	9,05
8,2	3,85	11,7	5,60	15,2	7,35	18,7	9,10
8,3	3,90	11,8	5,65	15,3	7,40	18,8	9,15
8,4	3,95	11,9	5,70	15,4	7,45	18,9	9,20
8,5	4,00	12,0	5,75	15,5	7,50	19,0	9,25
8,6	4,05	12,1	5,80	15,6	7,55	19,1	9,30
8,7	4,10	12,2	5,85	15,7	7,60	19,2	9,35
8,8	4,15	12,3	5,90	15,8	7,65	19,3	9,40
8,9	4,20	12,4	5,95	15,9	7,70	19,4	9,50
9,0	4,25	12,5	6,00	16,0	7,75	19,5	9,55
9,1	4,30	12,6	6,05	16,1	7,80	19,6	9,60
9,2	4,35	12,7	6,10	16,2	7,85	19,7	9,65
9,3	4,40	12,8	6,15	16,3	7,90	19,8	9,70
9,4	4,45	12,9	6,20	16,4	7,95	19,9	9,75
9,5	4,50	13,0	6,25	16,5	8,00	20,0	9,80
9,6	4,55	13,1	6,30	16,6	8,05	20,1	9,85
9,7	4,60	13,2	6,35	16,7	8,10	20,2	9,90
9,8	4,65	13,3	6,40	16,8	8,15	20,3	9,95
9,9	4,70	13,4	6,45	16,9	8,20	20,4	10,0
10,0	4,75	13,5	6,50	17,0	8,25	20,5	10,05
10,1	4,80	13,6	6,55	17,1	8,30	20,6	10,10
10,2	4,85	13,7	6,60	17,2	8,35	20,7	10,15
10,3	4,90	13,8	6,65	17,3	8,40	20,8	10,20
10,4	4,95	13,9	6,70	17,4	8,45	20,9	10,25
10,5	5,00	14,0	6,75	17,5	8,50	21,0	10,30
10,6	5,05	14,1	6,80	17,6	8,55	21,1	10,35
10,7	5,10	14,2	6,85	17,7	8,60	21,2	10,40
10,8	5,15	14,3	6,90	17,8	8,65	21,3	10,45
10,9	5,20	14,4	6,95	17,9	8,70	21,4	10,50
11,0	5,25	14,5	7,00	18,0	8,75	21,5	10,55
11,1	5,30	14,6	7,05	18,1	8,80	21,6	10,60
11,2	5,35	14,7	7,10	18,2	8,85	21,7	10,65
11,3	5,40	14,8	7,15	18,3	8,90	21,8	10,70
11,4	5,45	14,9	7,20	18,4	8,95	21,9	10,75

АДАБИЁТЛАР

1. Аскарлов И.Р., Шарахмедов Ш.Ш., Намозов А.А., Гухтабоев Н.Х. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ҳамда божхона тўловлари.- Т.: «ДИТАФ». 2003. – 152 б.
2. Шатц В.Д., Сахартова О.В. Высоко-эффективная жидкостная хроматография. НИИ Органическая синтеза Латвии. Л. 1998. –120 с.
3. Коробкина З.В., Стрехова С.А. Товароведение и экспертиза вкусовых товаров. –М.: «Колос». 2003. – 352 с.
4. Нечаев А.П., Траубенберг С.Е., Кочеткова А.А., Колпакова В.В., Витол И.С., Кобелева И.Б. Пищевая химия. «Гиорд». – СПб.: 2004. – 640 с.
5. Намозов А.А. Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий таркиби асосида сертификатлаш муаммолари. – Тошкент. ОҲБИ. -2007 й. -207 б.
6. Намозов А.А., Аскарлов И.Р. Алкогольсиз ичимликларни кимёвий таркиби асосида сертификатлашнинг илмий асослари. –Ф.: ФарПИ “Техника”, 2013 й. - 153 б.

Фаргона политехника институти

қабул қилинди: 17.09.2013 й.

УДК 631.893.1'2'4

**ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССА ПОЛУЧЕНИЯ ЖИДКОЙ СУСПЕНДИРОВАННОЙ
ФОСФОРСОДЕРЖАЩЕЙ СЕЛИТРЫ**

Собиров М.М., Назирова Р.М., Таджиев С.М.

Марказий қизилқум фосфоритлари, нитрат кислотаси асосида олинган суюқ суспензияли, фосфорли селитранинг асосий кимёвий таркиби аниқланган. Суюқ суспензиялаштирилган комплекс ўғитлар олишининг оптимал шароитлари ва реологик хоссалари ўрганилган.

Определен основной химический состав жидкой суспендированной фосфорсодержащей селитры, полученной из фосфоритов Центральных Кызылкумов, азотной кислотой. Установлены оптимальные параметры получения этих удобрений и изучены реологические свойства жидких суспендированных комплексных удобрений.

The main of chemical composition of liquid suspended of phosphoric ammonium nitrate fertilizers which obtained from central Kyzyl-kum's phosphorite with nitric acid has been determined. Optimal parameters of reception these fertilizers have been found and rheological properties of liquid suspended combined fertilizers have been studied.

В настоящее время актуальной проблемой является создание комплексных жидких суспендированных удобрений и удобрительных препаратов, способствующих повышению жизнестойкости растений к неблагоприятным условиям внешней среды и сопротивляемости растений к различным заболеваниям, а также к повышению урожайности.

Известно, что жидкие суспендированные удобрения (ЖСУ) являются более перспективными и экономичными. Они имеют ряд преимуществ перед твердыми и полностью удовлетворяют требованиям агрохимической науки по организации высокоэффективного выращивания сельскохозяйственных культур.

С целью разработки теоретических основ и технологии получения жидкой суспендированной фосфорсодержащей селитры, нами проведены исследования по разложению небогащенной фосфоритовой муки Центральных Кызылкумов при неполной норме азотной кислоты в присутствии нитрата аммония.

Для синтеза новых видов жидких сложных суспендированных удобрений использовали небогащенную фосфоритовую муку состава, (вес.%): P₂O₅ – 17,55; CaO – 43,68; CO₂ – 14,83; MgO – 1,68; R₂O₃ – 2,47; SO₃ – 2,01; F – 2,17; H₂O – 1,19; н.о. – 3,80, 58,50%-ную азотную кислоту ОАО «Максам-Чирчик» и 64,16%-ный раствор нитрата аммония, полученный нейтрализацией азотной кислоты газообразным аммиаком. Норму азотной кислоты – 20-70% от стехиометрии рассчитывали на разложение фосфатных и

карбонатных минералов фосфоритовой муки до образования монокальцийфосфата и нитрата кальция.

Таблица 1
Химический состав жидкой суспендированной фосфорсодержащей селитры, %

Соотношение N:P ₂ O ₅	N _{общ.}	P ₂ O ₅		CaO	
		общ.	водн.	общ.	водн.
При норме HNO ₃ , 20%					
1:0,5	13,25	6,63	-	16,50	2,67
1:0,6	12,33	7,39	-	18,18	2,95
1:0,7	11,39	7,97	-	19,85	3,22
1:0,85	10,40	8,84	-	21,64	3,50
1:1	9,39	9,39	-	23,41	3,76
При норме HNO ₃ , 30%					
1:0,5	13,05	6,52	-	16,24	3,92
1:0,6	12,12	7,27	-	17,87	4,32
1:0,7	11,18	7,82	-	19,48	4,70
1:0,85	10,21	8,67	-	21,20	5,11
1:1	9,20	9,20	-	22,90	5,50
При норме HNO ₃ , 40%					
1:0,5	12,85	6,42	1,15	15,99	5,16
1:0,6	11,92	7,15	1,28	17,56	5,67
1:0,7	10,97	7,68	1,38	19,12	6,16
1:0,85	9,99	8,49	1,54	20,77	6,69
1:1	9,00	9,00	1,63	22,41	7,20
При норме HNO ₃ , 50%					
1:0,5	12,65	6,32	1,64	15,75	6,32
1:0,6	11,72	7,03	1,82	17,27	6,95
1:0,7	10,77	7,54	1,96	18,77	7,56
1:0,85	9,79	8,32	2,17	20,36	8,19
1:1	8,81	8,81	2,31	21,93	8,80
При норме HNO ₃ , 60%					
1:0,5	12,51	6,25	2,09	15,57	7,52
1:0,6	11,58	6,94	2,32	17,05	8,23
1:0,7	10,63	7,44	2,50	18,52	8,92
1:0,85	9,66	8,21	2,77	20,06	9,67
1:1	8,67	8,67	2,94	21,59	10,40
При норме HNO ₃ , 70%					
1:0,5	12,37	6,18	2,32	15,39	8,72
1:0,6	11,44	6,86	2,58	16,84	9,51
1:0,7	10,49	7,34	2,77	18,27	10,28
1:0,85	9,52	8,09	3,07	19,77	11,15
1:1	8,53	8,53	3,24	21,25	12,00

Азотнокислотное разложение фосфатного сырья на лабораторной установке проводили по разработанному интенсивному способу. Фосмуку при интенсивном перемешивании обрабатывали расчетным количеством азотной кислоты в течение 5-10 минут. В полученную массу вводили расчетное количество раствора нитрата аммония и перемешивали до получения однородной суспензии. Далее образцы жидких

суспендированных сложных удобрений анализировали на содержание основных питательных веществ по общеизвестным методикам [1].

Исследование показало, что процесс взаимодействия фосфоритовой муки с азотной кислотой протекает интенсивно, практически без пенообразования, так как оно происходит в отличие от классических способов в «твердофазном режиме» и образующиеся пузырьки разрушаются в разделе фаз. Структурные особенности зернистых фосфоритов и существование в их составе трех форм карбонатов [2] характеризуют интенсивную реакционную способность этих фосфоритов.

При азотнокислотной переработке высококарбонатных фосфоритов выделяющейся диоксид углерода способствует ускорению разложения фосфатного минерала - фторкарбонатапатита. Процесс является экзотермическим, температура реакционной среды в зависимости от нормы кислоты поднимается до 30-40°C. Установлено, что с повышением нормы азотной кислоты увеличивается степень разложения фосфоритной муки.

Основными компонентами продуктов азотнокислотного разложения являются четырехводный нитрат кальция, фосфаты кальция, активированный фосфорит. Содержание нитрата кальция повышается с увеличением нормы азотной кислоты.

Для получения жидкой суспендированной фосфорсодержащей селитры с различными соотношениями питательных веществ изучено влияние нормы нитрата аммония на химический состав и реологические свойства продукта.

Результаты лабораторных экспериментов приведены в таблице 1. Из табличных данных видно, что при соотношении N:P=1:0,5 и норме HNO₃ 20% в полученном удобрении содержится 13,25% N_{общ.}, 6,63% P₂O₅_{общ.}, 16,50% CaO_{общ.} и 3,87% CaO_{усв.}. С увеличением соотношений N:P до 1:1 содержание P₂O₅_{общ.}, CaO_{общ.} и CaO_{усв.} увеличивается по 1,42 раза и наоборот N_{общ.} уменьшается 1,41 раза. В общей сложности сумма питательных компонентов (N+P₂O₅+CaO_{усв.}) увеличивается от 23,75 до 24,29%. Аналогичная картина наблюдается и при других нормах азотной кислоты. С увеличением нормы HNO₃ сумма питательных компонентов в полученных жидких суспендированных удобрениях увеличивается. Например, при соотношении N:P=1:1 с увеличением нормы HNO₃ от 20 до 70% сумма питательных компонентов увеличивается от 24,29 до 32,75%.




Рис. 1. Содержание нитратного (а) и аммиачного (б) азота в зависимости от нормы HNO₃ при N:P 1–1:0,5; 2–1:0,6; 3–1:0,7; 4–1:0,85 и 5–1:1.

На рис.1 показаны изменения содержания аммиачного и нитратного азота в полученных суспендированных удобрениях в зависимости от нормы азотной кислоты при различных соотношениях N:P. Из рисунка видно, что с увеличением нормы азотной кислоты содержание нитратного азота увеличивается, аммиачный азот уменьшается. С

увеличением соотношения N:P от 1:0,5 до 1:1 обе формы азота уменьшаются, так как в систему вводится большое количество фосфорита.

На рис. 2 показано изменение усвояемых форм фосфора и кальция полученных жидких суспендированных фосфорсодержащих селитры в зависимости от нормы азотной кислоты при различных соотношениях N:P. Из рисунка видно, что с увеличением нормы




Рис.2. Содержание $P_2O_{5уев.}$ (а), $CaO_{уев.}$ (б) в зависимости от нормы HNO_3 при N:P 1–1:0,5; 2–1:0,6; 3–1:0,7; 4–1:0,85 и 5–1:1.

азотной кислоты увеличивается содержание усвояемых форм фосфора и кальция, так как с увеличением нормы кислоты фосфорит больше разлагается и образуется дикальций-, монокальцийфосфаты и нитрат кальция в количестве. Увеличение соотношения N:P способствует к уменьшению усвояемых форм. В этом случае содержание фосфорита увеличивается по отношению азотной кислоты и поэтому количество дикальций-, монокальцийфосфатов и нитрат кальция в полученных удобрениях уменьшается.

В таблице 2 дан солевой состав жидких удобрений. Из табличных данных видно, что с увеличением соотношения N:P солевой состав жидкой суспендированной фосфорсодержащей селитры значительно меняется. Например, при соотношении N:P=1:0,5 и норме HNO_3 20% состав жидких суспендированных выглядит так: активированный фосфорит -30,22%, моно- и дикальцийфосфат-2,67%, нитрат кальция-7,75% и нитрат аммония-34,10%. С увеличением соотношения N:P от 1:0,5 до 1:1 в одной тоже нормах HNO_3 в полученных жидких суспендированных удобрениях содержание основных компонентов увеличивается, кроме нитрата аммония. Например, при норме HNO_3 50% с увеличением соотношения N:P от 1:0,5 до 1:1 содержание активированного фосфорита, моно-и дикальцийфосфата и нитрата кальция увеличивается по 1,39 раза каждого, содержание нитрата аммония уменьшается в 2,15 раза. Во всех случаях количество суммы питательных компонентов и солей удовлетворяет требуемые к жидким удобрением с точки зрения концентрации питательных веществ. Кроме этого при применение таких удобрений основным требованием является давление насыщенного пара, температура кристаллизации раствора и размерность суспензии, а также pH среды, так как они определяют условия получения, хранения, транспортировки и внесения их в почву. Несмотря, на это такие удобрения можно применять не только через корни, но и через листья.

Кроме этого, применение таких видов удобрений через листья растений, способствует увеличению урожайности, стойкости растений к разным заболеваниям и непогодам. Поэтому, надо изучить некоторые физико-химические свойства этих

удобрений, чтобы найти оптимальные параметры получения таких удобрений, удовлетворяющих вышеуказанным требованиям.

Солевой состав жидких суспендированных фосфорсодержащих селитры

Соотношение N:P	Активированный фосфорит	Моно-, дикальций фосфат	Ca(NO ₃) ₂	NH ₄ NO ₃	H ₂ O
При норме HNO ₃ , 20%					
1:0,5	30,22	2,67	7,75	34,10	23,73
1:0,6	33,29	2,95	8,54	31,00	22,50
1:0,7	36,35	3,22	9,32	28,00	21,25
1:0,85	39,62	3,52	10,16	24,76	19,96
1:1	42,88	3,81	10,99	21,51	18,66
При норме HNO ₃ , 30%					
1:0,5	26,03	3,79	11,44	31,71	24,62
1:0,6	28,63	4,18	12,59	28,49	23,51
1:0,7	31,22	4,56	13,72	25,25	22,39
1:0,85	33,97	4,92	14,93	21,84	21,22
1:1	36,70	5,26	16,12	18,42	20,03
При норме HNO ₃ , 40%					
1:0,5	21,97	4,89	15,02	29,39	25,49
1:0,6	24,12	5,38	16,49	26,00	24,49
1:0,7	26,26	5,85	17,95	22,6	23,47
1:0,85	28,53	6,36	19,50	19,04	22,41
1:1	30,78	6,85	21,04	15,46	21,34
При норме HNO ₃ , 50%					
1:0,5	18,03	6,03	18,49	27,14	26,33
1:0,6	19,77	6,62	20,27	23,60	25,43
1:0,7	21,49	7,19	22,04	20,04	24,51
1:0,85	23,30	7,80	23,90	16,34	23,56
1:1	25,10	8,40	25,75	12,62	22,60
При норме HNO ₃ , 60%					
1:0,5	14,26	7,15	21,93	25,05	27,24
1:0,6	15,62	7,84	24,02	21,35	26,44
1:0,7	16,96	8,51	26,09	17,64	25,62
1:0,85	18,37	9,22	28,26	13,80	22,31
1:1	19,77	9,92	30,41	9,94	18,98
При норме HNO ₃ , 70%					
1:0,5	10,49	8,27	25,37	22,96	28,15
1:0,6	11,47	9,06	27,76	19,11	27,45
1:0,7	12,43	9,83	30,14	15,24	26,73
1:0,85	13,44	10,64	32,61	11,26	21,05
1:1	14,44	11,44	35,07	7,26	15,36

ЛИТЕРАТУРА

1. Методы анализа фосфатного сырья, фосфорных и комплексных удобрений, кормовых фосфатов / М.М. Винник, Л.Н. Ербанова, П.М. Зайцев и др. – М.: Химия. – 1975. – 218 с.
2. Блисковский В.З., Магер И.О. Особенности вещественного состава руд Джерой-Сардаринского месторождения, влияющие на технологию их обогащения //Технологическая минералогия фосфатных руд: Тез. докл. совещ. 17-18 ноября 1987.-Черкассы, 1987. С. 42-43

Институт общей и неорганической химии АН РУз

дата поступления: 24.09.2013 г.

УДК 631.89

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ
АЗОТ-ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ**

Ўктамов Д., Тухтаев С., Назирова Р.М., Таджиев С.М.

Мақолада лаборатория шароитида Марказий Қизилқум фосфорит уни нитрат кислотанинг тўлиқсиз меърида парчаланишидан ҳосил бўлган бўтқага молибден микроэлементини киритилиши ва азот-фосфорли микроэлементли ўғит олиш тадқиқот натижалари келтирилган.

В данной статье приведены результаты исследований по получению микроэлементных азотно-фосфорных удобрений путем введения молибдена в нитрофосфатную пульпу, полученной при разложении фосфоритов Центральных Кызылкумов неполной нормы азотной кислоты.

In this article the results of investigation of obtaining microelement containing nitrogen-phosphorus fertilizers by method introduction of molybdenum into nitrogen-phosphate pulp which obtained at decomposition Central Kyzylkum's phosphorites with uncompleted of nitric acid have been given.

Минерал ўғитлар сифатини яхшилаш ва уларни агрокимёвий самарадорлигини ошириш ҳозирги замон кимёвий технологиясининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришдаги жаҳон тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, кенг ассортиментдаги микроўғитларни доимий равишда ишлаб чиқармасдан ҳамда уларни қишлоқ хўжалигида қўллаган туриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юқори даражадаги самарадорликка эришиб бўлмайди.

Микроўғитларнинг ижобий томонлари мавжуд бўлишига қарамай, ҳозирги кунда Республикамизда улар амалиётда деярли қўлланилмай келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири арзон ва қўлланиши мумкин бўлган маҳаллий микроэлементли хом ашё захирасини кам ўрганилгани, микроўғитлар олишнинг илмий асослари ва технология ишланмаларни камлиги билан тушунтирилади. Микроўғитлар олишни назарий жиҳатдан асослаш ва технологиясини яратиш учун, микроэлементларни мураккаб ўғитлар билан ўзаро таъсирлашувини, уларни қўшимча сифатида макроўғитларга қўшиш жараёнида содир бўладиган ўзаро таъсирлашувни ўрганиш учун чуқур физика-кимёвий тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлади. Микроэлементли комплекс ўғитлар олишнинг асосий муаммолардан бири саноат чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотлардан фойдаланиш ҳисобланади.

Микроэлементларнинг озлиги ва етишмаслиги, ортикчаси ҳам ўсимлик учун зарардир. Ўзбекистон тупроқларида мис, молибден ва рух етишмайдиган майдон 600 минг гектарни ташкил қилади. Марганец етишмайдиган майдон 250-280 минг, бўр 450 минг гектар майдонда етишмайди. Шунинг учун микроэлементларни тупроққа табақалаштириб, етишмаган майдонларга солиш керак. Бунинг учун олдиндан уларнинг тупроқдаги миқдорини аниқлаб олиш лозим. Бу элементларнинг тупроқда етишмаслигининг чораси гўнг, ўсимлик, коммунал хўжалиги қолдиқлари, дарахт ҳазонлари, ариқлар, каналлар, сув омборлари тубида тўпланган чучук сув ётқизиклари, ва фойдали қазилмаларнинг зарарсиз қолдиқларини тупроққа солиш ҳисобланади. Майдаланган гўзапояни ҳайдаб юборилганда, ҳар гектар ерга тахминан 130кг умумий азот, 27кг фосфор, 350кг калий, 0,07кг мис, 0,4кг рух, бошқа микроэлементлар ерга қайтиб тушади. Чорва молларининг гўнги таркибида бир неча хил микроэлементлар мавжуд. Микроэлементларни самарали ишлатиш учун уларни мураккаб ўғитлар таркибига аралаштириш зарур. Ҳозирги вақтда молибден, мис, рух ва марганец микроэлементлари минерал ўғитларга қўшиб ишлатилади [1].

Микроэлементли азот-фосфорли ўғитларнинг кимёвий таркиби, %

N:P	N			P ₂ O ₅		CaO		Mo	CO ₂
	N _{ум.}	N _{NO3}	N _{NNH2}	P ₂ O _{5ум}	P ₂ O _{5сув}	CaO _{ум}	CaO _{сув}		
Нитрат кислотанинг 20% стехиометрик меъёри									
1:0,5	19,18	1,90	17,27	9,59	-	23,87	4,57	0,3	6,32
1:0,7	15,56	2,17	13,39	10,89	-	27,11	5,19	0,3	7,18
1:1	12,13	2,42	9,71	12,13	-	30,21	5,79	0,3	8,00
Нитрат кислотанинг 30% стехиометрик меъёри									
1:0,5	18,94	2,82	16,11	9,46	-	23,57	6,77	0,3	5,43
1:0,7	15,37	3,22	12,15	10,75	-	26,78	7,7	0,3	6,17
1:1	11,97	3,58	8,38	11,97	-	29,77	8,56	0,3	6,87
Нитрат кислотанинг 40% стехиометрик меъёри									
1:0,5	18,74	3,73	15,00	9,38	3,73	23,33	8,94	0,3	4,59
1:0,7	15,17	4,24	10,93	10,62	4,24	26,43	10,13	0,3	5,20
1:1	11,80	4,71	7,08	11,78	4,70	29,35	11,27	0,3	5,78
Нитрат кислотанинг 50% стехиометрик меъёри									
1:0,5	18,49	4,57	13,91	9,26	4,63	23,08	11,08	0,3	3,76
1:0,7	14,98	5,22	9,75	10,48	5,23	26,11	12,53	0,3	4,25
1:1	11,63	5,79	5,83	11,63	5,81	28,95	13,90	0,3	4,71
Нитрат кислотанинг 60% стехиометрик меъёри									
1:0,5	18,39	5,47	12,92	9,22	5,53	22,94	13,23	0,3	2,95
1:0,7	14,89	6,24	8,65	10,43	6,25	25,94	14,93	0,3	3,34
1:1	11,55	6,91	4,63	11,55	6,93	28,75	16,56	0,3	3,71
Нитрат кислотанинг 70% стехиометрик меъёри									
1:0,5	18,27	6,45	11,81	9,12	6,39	22,72	15,27	0,3	2,15
1:0,7	14,72	7,21	7,51	10,30	7,21	25,66	17,24	0,3	2,43
1:1	11,41	7,98	3,43	11,41	7,99	28,40	19,09	0,3	2,70
Нитрат кислотанинг 85% стехиометрик меъёри									
1:0,5	18,00	7,61	10,38	9,00	7,63	22,4	18,22	0,3	1,07
1:0,7	14,49	8,58	5,90	10,13	8,59	25,24	20,53	0,3	1,21
1:1	11,20	9,46	1,73	11,20	9,49	27,88	22,68	0,3	1,34

Микроэлементларнинг кўпи ўсимликда кечадиган муҳим модда алмашиниш жараёнида иштирок этади. Микроэлементларсиз ўсимликлар турли хил касалликларга чалиниб ҳосилдорлик ўз-ўзидан пасайиб кетади. Ўсимликларга кераклича азот, фосфор, калийли ўғитлар солинган тақдирда ҳам микроэлемент етишмаслиги сабабли ўсимликлар ўғит таркибидаги озика моддалари азот, фосфор, калийли бирикмаларни тўлиқ ўзлаштирмайди ёки касалликларга чалинаверади [2].

Масалан: миснинг ўсимликларда етишмаслиги сабабли “оқ чума” касаллиги келиб чиқади, айникса, молибден ва рухнинг тупроқда ўсимликлар учун етишмаслиги сабабли бир қанча касалликлар пайдо бўлади, тупроқда бу модда камчил бўлса ўсимлик чипор тусга кириб, хлороз касаллигига йўлиқади, япроғи майдалашади, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ўсимликларни микроэлементлар билан озиклантиришда 3 хил усулдан фойдаланилмоқда [3]:

1. Микроэлементларни азот, фосфор, калийли ўғитларга бириктириш;
2. Уруғларни микроэлемент эритмалари билан қобиқлаш;
3. Ўсимлик баргларида микроэлементли эритмаларини сепиш орқали.

Таркибида азот, фосфор, кальций ҳамда молибден микроэлементи бўлган ўғитлар олиш мақсадида таркиби P₂O₅ – 17,65%, CaO – 44,66%, CO₂ – 15,01% бўлган Қизилқум

фосфорит унини нитрат кислотанинг тўлиқсиз меъёрлари (20-85%) билан қайта ишланди ва олинадиган маҳсулот таркибидаги азот ва фосфор озика моддаларини керакли нисбатда олиш учун карбамиддан фойдаланилди. Молибден микроэлементли бирикма ҳосил бўлган азот-фосфорли бўтқага қўшилди ва 100-105°C ҳароратда қуритилди. Ўғит таркибида молибден миқдори 0,3% ташкил этди. Олинган микроэлементли мураккаб ўғитларнинг кимёвий таркиби маълум стандарт усуллар ёрдамида аниқланди.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, юқори карбонатли фосфорит уни нитрат кислота билан тез реакцияга киришади. Жараён 10-15 дақиқа давомида содир бўлади. Нитрат кислота меъёри ортиб бориши билан фосфоритни парчаланиш ва декарбонсизланиш даражалари юқори бўлади.

2-жадвал

Микроэлементли азот-фосфорли ўғитларнинг туз таркиби, %

N:P	Фаоллашган фосфорит	моно-, дикальцийфосфат	Ca(NO ₃) ₂	(NH ₂) ₂ CO	H ₂ O
Нитрат кислотанинг 20% стехиометрик меъёри					
1:0,5	43,72	3,15	11,21	37,00	1,95
1:0,7	49,67	3,58	12,7	28,70	1,94
1:1	55,32	3,99	14,18	20,81	1,90
Нитрат кислотанинг 30% стехиометрик меъёри					
1:0,5	37,77	4,67	16,60	34,51	1,96
1:0,7	42,9	5,30	18,85	26,04	1,94
1:1	47,72	5,90	20,97	17,96	1,93
Нитрат кислотанинг 40% стехиометрик меъёри					
1:0,5	32,0	6,17	21,92	32,17	1,97
1:0,7	36,31	6,98	24,83	23,43	1,95
1:1	40,33	7,77	27,56	15,19	1,93
Нитрат кислотанинг 50% стехиометрик меъёри					
1:0,5	26,41	7,64	27,09	29,83	2,01
1:0,7	29,89	8,63	30,64	20,90	1,98
1:1	33,15	9,59	33,99	12,48	1,95
Нитрат кислотанинг 60% стехиометрик меъёри					
1:0,5	21,01	9,11	32,3	27,69	2,04
1:0,7	23,75	10,30	36,55	18,53	2,01
1:1	26,33	11,42	40,50	9,92	1,97
Нитрат кислотанинг 70% стехиометрик меъёри					
1:0,5	15,61	10,54	37,36	25,46	2,07
1:0,7	17,61	11,88	42,16	16,12	2,05
1:1	19,50	13,17	46,67	7,36	2,02
Нитрат кислотанинг 85% стехиометрик меъёри					
1:0,5	9,07	12,57	44,59	22,24	2,08
1:0,7	10,23	14,16	50,21	12,65	2,03
1:1	11,31	15,63	55,48	3,71	1,99

Нитрат кислотанинг стехиометрик меъёри ўсиб бориши билан (1-жадвал) янги ўғит таркибидаги нитрат шаклидаги азот миқдори 1,90% дан 9,46% гача, сувда эрувчан шаклдаги фосфор озика миқдори 3,73% дан 9,49% гача, сувда эрувчан шаклдаги кальций миқдори эса 4,57% дан 22,68% гача ортади. Маҳсулот таркибидаги карбонат миқдори 8,00% дан 1,07% гача камаяди.

Кислота меъёри камайиб бориши билан умумий азот миқдори 11,20% дан 19,18% гача, ўғит таркибидаги амид шаклдаги азот миқдори 1,73% дан 17,27% гача, умумий фосфор миқдори эса 9,00%дан 12,13% гача, умумий кальцийнинг миқдори 22,40% дан 30,21% гача ортади.

Микроэлементли мураккаб ўғит таркибидаги карбамид кальций нитрат билан комплекс туз ҳосил қилади. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$, бирикманнинг ҳоссалари кальций нитрат тузига нисбатан анча яхши. Шунинг учун микроэлементли мураккаб ўғит таркибида карбамид миқдори қанча кўп бўлса унинг товар хоссаси шунча яхши бўлади.

Фосфорит унини нитрат кислота меъёри 60-85% билан қайта ишлаб олинган маҳсулотларни микролементли суюқ суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, олинган ўғитлар таркиби моно- ва дикальцийфосфат, кальций нитрат, молибден бирикмаси, фаоллашган фосфорит, карбамид ва сувдан иборат. Уларда кислота меъёри ортиб бориши билан моно- ва дикальцийфосфат 3,15% дан 15,63%га, кальций нитрат эса 11,21% дан 55,48%гача ва сув 1,95% дан 2,08% гача ортади. Нитрат кислота меъёри камайиб бориши билан карбамид ва фаоллашган фосфорит миқдори ортиб боради. Олинган мураккаб ўғитлар таркибидаги деярли барча асосий ва микроэлемент ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклда бўлади. Нитрат кислота меъёрига қараб озиқа моддаларнинг умумий миқдори 50,58-54,77%ни ташкил этади.

Молибденли мураккаб азот-фосфорли ўғитлар олишнинг материал баланси, унинг интенсив усулда ишлаб чиқаришнинг технологик тизими яратилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзажонов Қ.М., Нурматов Ш.Н. Экинларни озиклантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш бўйича тавсияномалар. Тошкент, 2009. 16 б. 2. Мисирова С. Микроэлемент ва экология. ЎзМУ хабарлари, 2012, №1, 209 б. 3. Пейве Я.В., Агрохимия и биохимия микроорганизмов. М: Наука, 1980. с.132

ЎзР ФАУ ва НКТИ, ФарПИ

қабул қилинди: 04.11.2013 й.

УДК. 008:575.1

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ЭКОЛОГИК ОНГНИНГ ЎРНИ

Эргашев У., Қосимов К., Зайниев Р.

Мақолада тобора глобаллашиб бораётган экологик муаммоларни бартараф этишида ёшлар фаолиятининг ўрни, экологик онгни шакллантириши ҳамда юртимиз табиатини асраб-авайлаш масалалари ҳамда бу борада мамлакатимизда яратилаётган қонунчилик ҳақида фикр юритилади.

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с глобализацией экологических проблем, их влияние на сознание и мировоззрение молодёжи. В ней также отражены вопросы формирования экологического сознания и рационального использования природных ресурсов страны. Авторами даётся обзор процесса формирования законодательной основы данной проблемы.

In this paper questions concerning the globalization of ecological problems, the in impact of youth consciousness and outlook, questions of formation of ecological conception and rational use of natural resources of the country are reviewed. In the article the observation of process of lovemaking formation is given.

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошланди. Натижада, оилада соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, она ва бола саломатлигини таъминлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, урф-одатларимиз ва бошқа қадриятлар тизимида унут бўлган жиҳатларни қайта тиклаш кабиларга эътибор кучайтирилиши туфайли, ёш авлод дунёқарашининг муносиб шаклланишига катта замин яратилди. Бунда Республикаимиз Президентининг: "... барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз" -дея таъкидлаган ўғитлари ўзига хос дастуриламал бўлди [1]. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамият равнақи ва тараққиёти кўп жиҳатдан баркамол авлод тарбиясининг ҳар томонлама мукамал бўлишига боғлиқ. Худди шу боис, давлатимиз раҳбари, "агар биз ўз вақтида узокни кўзлаб эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иктисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эътиборни қаратмасак, халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олмаган бўлар эдик" - деган фикрни алоҳида таъкидлаган эди [1]. Шунинг учун мустақиллик йиллари мобайнида ушбу вазифаларга устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда она табиатни ундаги экологик мувозанатни асраш дунё миқёсида энг муҳим ва долзарб муаммолардан бирига айлангани баркамол авлодни шакллантириш ва вояга етказишнинг ҳам муҳим тамойилларидан биридир. Бошқача қилиб айтганда, экологик муаммолар тобора глобаллашиб бораётган ҳозирга даврда она табиатни авайлаб-асраш масалаларида ёш авлод вакилларининг беъэтибор бўлмаслигига эришиш лозим.

Шунинг учун юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок она табиатни, экологияни асрашнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" деб белгилаб қўйилди, 55-моддасида эса: "Ер, ер

ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, – дея кафолатланди. Бу эса ўз навбатида ёш авлод вакилларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Экологик онг ва маданиятни шакллантириш, аслида умумбашарий аҳамиятга молик масаладир. Негаки, бугун экология муаммоси – глобал масалага айланган. Давлатимиз раҳбари 2010 йил 20 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитидаги нутқида ҳам экология масаласига алоҳида эътибор қаратган эди. “Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида минг йиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экологик муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди” – деб таъкидлайди, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида [1]. Бугун Орол бўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. Бу муаммони ижобий ҳал этиш эса, табиийки битта халқ ва давлатнинг иши эмас. Балки бунда жуда деганда Орол денгизи атрофида истиқомат қилаётган халқлар ва давлатларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари зарур. Қолаверса, бу муаммони ҳал қилишда жаҳон жамоатчилиги ҳам бош қўшиши лозим. Шундай экан, барча ҳудудларда ёш авлод экологик онгини шакллантиришга долзарб масала сифатида қараш зарур. Ватан харитасини мактаб партасидаёқ қалбига жо этган ёш авлод онгида Орол денгизи ва унинг бугунги фожеаси ҳақидаги тасаввурларини чуқур ва тўлиқ дейиш қийин эмас. Узоқ асрлар мобайнида Марказий Осиёнинг дур-у гавҳари ҳисобланган, унга ҳаёт бахш этган Орол денгизи бир пайтлар табиий заҳираларга бойлиги билан ажралиб тургани кекса авлод вакилларига яхши маълум. Орол бўйидаги гўзал табиат, бетакрор манзаралар илгари қай даражада бўлганини бугун жуда кам сонли кишилар тасаввур қиладилар. Бу ҳудуддаги ноёб ҳайвонот ва наботот олами барчани ўзига мафтун айлагани ва ҳозирда “Қизил китоб”га киритилган сайғоқлар каби кўплаб, жониворлар, ноёб ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар мазкур ўлканинг нақадар жаннатмакон бўлганлигидан дарак беради. Орол денгизига қуйиладиган Амударё ва Сирдарёни атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон “икки дарё ювар қоқилин” дея таърифлагани ва унинг тўлиқ Оролга тегишли эканлигини мактаб дарсликларидан севиб ўқимаган ўқувчи топилмаса керак. Бугунги кунга келиб эса бу хавзадаги экологик вазият хавфли тус олгани, денгизнинг борган сари қуриб бораётгани, унинг ўрнидаги тузликлар атроф ҳудудларига тарқалиб, чўллашув жараёни авж олаётганлиги, маҳаллий аҳолининг тирикчилик манбаларидан маҳрум бўлиб бораётганлиги, барча муаммолар уларнинг соғлиги ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ташвишли ҳолга айланмоқда. Амударё ва Сирдарёнинг ўзанлари бўйлаб айрим қўшни республикаларнинг хавфли гидроиншоотларни барпо этаётганлиги эса вазиятни янада кескинлаштирмоқда. Шунинг учун, бизнингча, Трансчегаравий дарёлар юқори қисмида йирик гидротехник иншоотлар қурилиши қандай хатарли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида матбуотда ёритилаётган мақолалар имкон қадар ёшларимизга кенгроқ етказилиши зарур. Зеро, бундай маълумотлар уларда ўлкамиз табиати тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларини бойитиш билан бирга, унга нисбатан меҳр туйғуларини шакллантириш учун ҳам хизмат қилади. Болаларга гўдаклигидаёқ муносиб тарбия берилар экан, эртақлар, турли куй-қўшиқлар замирида она табиатни асраб-авайлаш мавзуи алоҳида ўрин эгаллаб келган. Чунки, табиатга меҳр – келажакка умид уйғотадиган муҳим омиллардан бири саналади. Сўнгги йилларда баркамол авлоднинг экологик онгини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам ўйлаймизки, ўз самарасини бераётир. Чунончи, мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида ўтказилаётган бундай суҳбатларда экология муаммолари давлат

сийсати даражасига кўтарилганлиги алоҳида таъкидланмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси таркибида фаолият кўрсатаётган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари” кўмитаси ҳам фаолият кўрсатаётгани тўғрисида тегишли маълумотлар берилмоқда.

Маълумки, Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракатга 15 депутатлик ўрни ажратилди. Экоҳаракат вакиллари юртимиз табиати ва аҳолисини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида муайян вазифаларни амалга ошираётгани сир эмас. Оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган экоҳаракат фаолияти ҳам ёшлардаги кизиқишни тобора орттирмоқда.

Сўнгги йилларда экологик вазиятни яхшилаш, бу борадаги муаммоларни ижобий ҳал этиб бориш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида” каби қабул қилинган қонунлар ўзига хос ижтимоий воқеликка айланиб, бугунги ёшларда ҳам катта кизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати амалга ошираётган кенг қамровли ишларда жамоатчилик, жумладан, ёшлар ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётгани баркамол авлод онги ва маънавий оламига ижобий таъсир этиши шубҳасиздир.

Айни пайтда ёшларимизнинг экологик онги ва маданиятини ўстириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг қамрови ва самарадорлиги барча жойларда ҳам талаб даражасида ташкилланыпти, дейиш қийин. Айрим ҳолларда бу тадбирлар номига ўтказилаётган бўлса, баъзи жойларда эса таъсирчан ташкилланаётганлиги борасида фикрлар эътирозлидир. Кўп ҳолларда тадбирлар фақат бир хил тоифадаги тингловчилар иштирокида ташкилланмоқда. Уларнинг орасида экологик вазият ва муаммолар тўғрисида саёз ва юзаки тасаввур ва тушунчага эга бўлган воиз ва ташкилотчилар томонидан ўтказилаётганлари ҳам йўқ эмас. Ўсиб келаётган авлод онгида экологик дунёқарашни шакллантириш эса бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Чунки гап бугун инсониятнинг эртанги кунини ва истиқболи тўғрисида бормоқда. Бу масалалар ечими эса вақт кутиб турмайди. Аксинча, бугунги ҳал этилган ҳар бир муаммо кишиларнинг келажакдаги фаровон турмушини таъминлашнинг тамойили бўлиб хизмат қилади. Бу вазифа экологик онг ва дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечимига бугунги авлоднинг муносабати билан ҳам бевосита алоқадордир.

АДАБИЁТЛАР

1. К а р и м о в И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
2. И.А. К а р и м о в нинг 2010 йил сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисидаги Мингйиллик декларациясига бағишланган маърузаси.
3. К а р и м о в И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” // Т.1998 й.
4. Ў з б е к и с т о н Р е с п у б л и к а с и Конституцияси. Т. 2012 й.
5. Ф а л с а ф а қ о м у с и й лўғати. Т. 2004 й.
6. Интернет. Расмий сайтлар.

Фарғона политехника институти

қабул қилинди: 19.06.2013 й.

УДК. 008:575.1

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ - МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Набижонов А., Набижонова Д.

Ушбу мақолада мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган миллий сийсатнинг маъно-мазмуни, миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг ўзаро нисбати, шунингдек,

миллий ўзликни англаш миллатлараро тотувликнинг муҳим омили эканлиги каби масалаларни ёритиб беришга ҳаракат қилинади.

В данной статье рассматриваются вопросы проводимой в стране национальной политики, национальные и общенациональные ценности, их взаимосвязь как фактор обеспечения межнационального согласия.

In this article is considered the questions of national politics, national values, mutual influences, as well as national thinking as a factor of supplying mutual international agreement.

Инсоният тарихига назар ташласак, ер юзида бирон бир халқ ёки давлат йўқки, у ўз –ўзидан, бошқалар билан алоқада бўлмасдан, ўзгаларнинг моддий ва маънавий кадриятларини ўрганмасдан ва маълум даражада ўзлаштирмасдан, шунингдек, амалда бир-бирини бойитмасдан туриб, ривожланишга, юксакликка эриша олмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мана шу ҳаёт фалсафасини эътиборга олган ҳолда, мустақил Ўзбекистон давлати ўзининг ички ва ташқи сиёсатида миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда тинчлик, тотувлик, ҳамкорликни таъминлаш сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда. Амалга ошириб келинаётган бундай миллий сиёсат, турли миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини англашининг ривожланишига, уларни янада яқинлашиб миллий кадриятларини бойитиб боришларига асос бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб, аҳил яшаб, ривожланиб келмоқдалар. Улар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган турли илмий-амалий, мафкуравий-сиёсий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Масалан, шундай тадбирлардан бири 2013 – йилнинг апрелида “Обод турмуш шаклланишида миллий ва маънавий кадриятларнинг ўрни” мавзусига бағишлаб, Фарғона шаҳрида ўтказилган илмий-амалий семинардир. Семинар сўнггида “Ўзбекистон – умумий уйимиз” ижодий фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига моддий ва маънавий кадриятларини ривожлантириш ва ўзаро бойитиб боришлари учун кенг имкониятлар яратилганлиги алоҳида таъкидланди. Бундай тадбирлар, албатта, миллатлараро тотувликнинг, улар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг, яъни кадриятларни ўзаро айирбошлаш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг, демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг, шу билан бирга Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

“Аниқланишича, сайёрамизда ўзининг бетақроп маданий ва маънавий кадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди.

Дунёнинг ҳақиқий бойлиги, кадриятларни ўзаро айирбошлаш, бир-бирини бойитиш имконияти ана шу хилма-хилликдadir”, деб таъкидлайди нортбошимиз И.А.Каримов. Шу ўринда кадрият ўз нима деган саволнинг туғилиши табиий. “Кадрият – жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади. Кадриятлар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин” [1].

Шу ўринда, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўзаро нисбатини аниқлаб олиш, миллий ўзликни англашнинг негизи эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бунинг учун, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг мазмунини атрофлича таҳлил қилиб, чуқур англаб олиш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз. “Миллий” кадриятлар деганда қандай кадриятларни тушунамиз? Миллий кадриятлар бу – муайян миллатда мавжуд бўлган унинг манфаати ва ривожига, яъни эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи, бошқа халқларнинг манфаати ва ривожига зид бўлмаган, улар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин бўлган, тарихан шакланган ва ривожланиб бориши зарур бўлган моддий ва маънавий кадриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо.

... Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк кадриятларнинг амалий ифодасидир” [2].

Шунингдек, Марказий Осиё халқларида, хусусан бизнинг миллатда ота-онага юксак ҳурмат, болажонлик, меҳмондўстлик, сертакаллуфлик, ифбат-назокат, шарму-ҳаё каби маънавий кадриятлар мавжуд бўлиб, уларда ҳам умуминсонийлик, ҳам миллий ўзига хослик мужассамдир.

Ваҳоланки, асрлар мобайнида қўшни бўлиб яшаётган халқлар бир-бирларининг кадриятларини бойитиб келганлар.

Турли миллат ва элат вакилларининг кўпчилиги “миллий” деганда, фақат ўз миллатида мавжуд бўлган кадриятларни, “умуминсоний” деганда эса, фақат ташқаридан яъни, бошқа халқлардан ўзлаштириб олинадиган кадриятларни тушунадилар. Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, ҳар бир миллат кадрияти ўз мазмунига кўра ва бошқа миллатлар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкинлиги ва керак бўлса зарурлиги учун ҳам умуминсонийдир.

Бизнингча, у ёки бу миллатнинг миллий кадриятлари бошқаларникига нисбатан намоён бўлиш шакли, даражаси ва кўзга яққол ташланиши ҳамда бўртиб кўриниши билан фарқланади. Том маънодаги миллий ўз моҳиятига кўра умуминсонийдир. Яъни, умуминсоний кадриятларнинг объекти ҳам, субъекти ҳам миллий кадриятлардир. Ҳар бир миллат ёки элат вакили бир вақтнинг ўзида ҳам умуминсоний, ҳам минтақавий, ҳам миллий, ҳам индивидуал – шахсий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган бўлади ва уларни яратувчиси ҳамдир.

Бинобарин, бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломаларимизнинг буюк илмий-ижодий кашфиётлари умуминсоний мазмунга эга бўлган маънавий кадриятлардир. Улар яратган, инсон ва инсоният ривожини учун зарур бўлган илмий-ижодий кадриятларни дунё халқлари бир неча асрлар давомида ўрганиб ва амалда фойдаланиб, ўзлаштириб келмоқдалар.

Айниқса, бугунги глобаллашув жараёни давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли моддий ва маънавий кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви учун кенг имконият яратиб бермоқда. Афсуски, мана шундай шароитда “умуминсонийлик” ва “миллийлик” нисбатини чуқур англаб етмаган кишилар ҳам учраб туради, бундай кишилар миллатчилик ёки буюк давлатчилик шовинизми кайфиятига эга бўлиб, ўз миллатининг бирон-бир хислатини кўкларга кўтариб мактаб, уни бошқа миллатлардан устунлигини мутлоқлаштирмоқчи бўладилар. Бундай ҳис-туйғулар миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликнинг ривожига ҳалақит беради. Шуни унутмаслик керакки, ҳеч бир халқ ҳеч қачон бошқалар билан мулоқотда бўлмасдан алоҳида яшаб юксакликка эриша олмаган. Тарихда шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Шундай экан, ҳар қандай миллат бир-биридан ўрганиши мумкин ва зарурдир, деб таъкидлаш ўринлидир. Яъни, ижтимоий тараққиёт, умуминсоний маданият даражаси миллий кадриятларнинг бир-бирини бойитиб, умуминсоний кадриятларга айланиб бориш жараёни билан узвий боғлиқдир. Бу жараён миллий - ўзига хосликни йўқ бўлиб кетишини англатмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон миллий сиёсатининг маъно-мазмунини Президент Ислам Каримовнинг: “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин - инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва

бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувиغا олиб келади” - деган сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган [3].

Шундай экан, мамлакатимиз ривожини таъминлашни истаган фуқаролар, айниқса, ёшлар аждодларимиз яратган умуминсоний ва миллий кадриятларни чуқур ўрганиб, ўзларида мавжуд бўлган барча имконият ва қобилиятларини фидойилик билан ишга солиб, уларни янада бойитиб боришлари ва бобокалонларимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишиш зарур эканлигини ҳам, шунингдек, жаҳон халқлари билан мулоқотларни авж олдириб, улар яратган умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлиб бориш зарур эканлигини ҳам англаб олишлари шарт бўлиб қолди. Мана шунда, умуминсоний мазмунга эга бўлган миллий ўзликни англаш шаклланиб, ривожланиб бораверади. Бундай, миллий ўзликни англаш тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб, умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демак, мамлакатимиз тараққиётининг, миллатлараро тотувликнинг муҳим омили бўлган, миллий ўзликни англашни янада ривожлантириб бориш, бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири эканлигини англаб олишимиз ва шунга мувофиқ фаолият кўрсатиб бориш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

АДАБИЁТЛАР

1. “Фалсафа”. Қомусий лугат, - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004, 476-бет.
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият – энгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият”, 2009, 8- бет..
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997, 73 – 74 - бетлар.

Фарғона политехника институти

қабул қилинди: 28.06.2013 й.

УДК. 008:575.1

ЭФФЕКТИВНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ПОИСКА И ЦЕЛЕНАПРАВЛЕННОЙ ПОДГОТОВКИ ОДАРЕННОЙ И ТАЛАНТЛИВОЙ МОЛОДЕЖИ ВУЗАМИ В СОТРУДНИЧЕСТВЕ С ИНСТИТУТОМ МАХАЛЛИ

Маъруфий М., Набижонова Д., Тухтаров И.М., Юлдашев Н.Х.

Олий ўқув юртларининг Махалла институти билан ҳамкорлик жараёнида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини самарали ошириш масалалари муҳокама этилган.

Обсуждаются вопросы эффективного повышения качества подготовки высококвалифицированных специалистов в процессе сотрудничества высших учебных заведений с махаллинским институтом.

Questions of effective improvement of quality of preparation of highly skilled experts in the course of cooperation of higher educational institutions with махаллинскими institutes are discussed.

Совершенствование деятельности института махалли в Республике Узбекистан находится в центре пристального внимания правительства страны по непосредственной инициативе Президента Ислама Абдуганиевича Каримова. К настоящему времени они уже утвердились как эффективный фактор самоуправления. Ведь по особому убеждению главы нашего государства «необходимо повысить роль и значение ... органов самоуправления и гражданских институтов, усилить их общественный контроль над государственными органами» [1].

Однако институт махалли далеко ещё не исчерпал свои многогранные возможности в направлении развития культуры и образования населения. Именно поэтому, с нашей точки зрения, следует разработать пакет предложений по эффективной организации поиска и целенаправленной подготовки одаренной и талантливой молодежи через

институт махалли в тесном сотрудничестве с ВУЗаами.

История народов Средней Азии свидетельствует о том, что махалле принадлежит исключительная роль в воспитании и обучении молодёжи, передаче социального опыта, накопленного за многие века. Именно в махалле наследуются добрые традиции и ценности, формируется подрастающее поколение и образ его жизни. Поэтому укрепление института махалли, достойное решение его проблем позволит определить дальнейшее развитие нашего государства по пути построения демократического общества, свободной и благополучной жизни для народа.

Благополучие и процветание каждой махалли является основой стабильности и прогресса государства, фундаментом духовности и культуры. Поэтому с первых лет независимости в нашей республике огромное внимание уделяется укреплению института махалли – основной ячейки управления обществом. Государство создаёт все условия для защиты и развития института махалли в усилении его роли в воспитании гармонично развитого поколения.

В республике обращается немалое внимание на вопросы формирования достойных граждан, которые своим талантом, образованием и трудом принесут пользу не только своей семье, махалле, но и всему обществу, в последующем передадут этот опыт своим детям. Государственная забота об институте махалли позволяет сохранить морально нравственные ценности, дух семьи и махалли, бережно соблюдающей добрые традиции, доставшиеся от мудрых предков: все должны чувствовать единство, сплоченность, поддержку живущих рядом, махалли, способной научить глубоко духовному понятию – возможности опереться на плечо окружающих нас людей.

На нашей древней земле махалля испокон веков почиталась как высшая ценность. Вся философия Востока превозносила и возвеличивала её. В идее национальной независимости одним из приоритетов является своеобразие и уникальность взвешенных традиций и ценностей узбекского народа, главной из которых является многовековой опыт деятельности института махалли. За последние годы возродилась выверенная веками этика отношений в махалле, укрепилась философия гуманизма, заботы о близких и гостеприимства.

«Сегодня махалля-важный фактор своевременного и успешного решения насущных вопросов граждан на местах, защиты их интересов. Возрастает вклад махалли в решение вопросов духовно-нравственного воспитания граждан, молодёжи, эффективного функционирования социальной сферы, обеспечения общественной безопасности и правопорядка на местах» [2]. Современный институт махалли - фундамент общества, обеспечивающий преемственность поколений, очаг воспитания, благодаря которому наши дети обязательно будут счастливее нас. Ведь именно в махалле начинается дорога к великому будущему, к которому наша страна идёт уверенно и весьма успешно.

В настоящее время все ВУЗы страны нуждаются в сотрудничестве с институтом махалли. Ибо для эффективной организации учебного процесса и гармоничного воспитания молодежи ВУЗам целесообразно иметь банк необходимых данных о студентах и их семьях. Естественно, такую объективную информацию было бы целесообразно получить через институт махалли и следует поддержив тесное сотрудничество с ними в период обучения студентов в ВУЗе и после него. Безусловно, что каждый ВУЗ заинтересован в приёме на первый курс более подготовленную, одаренную и талантливую молодежь. Для этого ведется целый комплекс профориентационных работ в ВУЗах, академических лицеях и колледжах. Однако такая работа пока не проводится через институт махалли.

С другой стороны, в свою очередь, институт махалли заинтересован в получении высшего образования и высококвалифицированной специальности своими молодыми гражданами. Для благополучия и процветания махалли необходимо иметь свои хорошо подготовленные кадры по различным профессиям. Жители махалли оперативно

реагируют на отсутствие различных сервисных услуг и соответствующих кадров. Они очень хорошо осведомлены о тех или иных одаренных и талантливых молодых людях в своей махалле.

Не секрет, что во многих случаях некоторые одаренные и талантливые молодые люди из нуждающихся и неблагополучных семей остаются за бортом внимания института махалли и ВУЗов. Более того, во многих махаллях имеются неформальные платные группы подготовки молодежи к ВУЗам и различным профессиям. Поэтому организация поиска и целенаправленной подготовки одаренной и талантливой молодежи к ВУЗам через институты махалли, несомненно, является актуальной проблемой не только в нашей Республике, но и в любой стране с соответствующим институтом местного самоуправления.

Исходя из вышеуказанной актуальности изучаемой проблемы, предлагается и обосновывается следующий пакет предложений:

1. Разработка программы действия по организации сотрудничества между ВУЗами и институтом махалли для подготовки одаренной и талантливой молодежи к поступлению в ВУЗы.
2. Создание рабочих групп в ВУЗе и институте махалли для поиска и целенаправленной подготовки молодежи в большей степени из числа нуждающихся семей.
3. Организация **интеллектуальных центров** подготовки одаренной и талантливой молодежи при институте махалли и обеспечение их нужным помещением, оборудованим и наставниками с привлечением их из махалли и соответствующих учебных заведений.
4. Подготовка необходимых учебно - вспомогательных материалов и методических пособий.
5. Проведение международной конференции по подготовке и поступлению одаренной и талантливой молодежи в ВУЗы через институт махалли.

Ожидаемый эффект от выполнения этих мероприятий заключается в существенном повышении качества подготовки высококвалифицированных специалистов в процессе сотрудничества ВУЗов с институтом махалли.

ЛИТЕРАТУРА

1. Каримов И.А. Правовая основа нашей жизни и прогресса. Выступление на торжественном собрании, посвященном 10-летию Конституции Республики Узбекистан. Ташкент, 2002. (Веб - сайт Пресс-службы Президента Республики Узбекистан - www.press-seruice.uz).
2. Каримов И.А. «Модернизация страны и построение сильного гражданского общества- наш главный приоритет». Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 27 января 2010 г.- В книге «Наша главная задача – дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа». Ташкент: «Узбекистан» 2010. стр.25-26.

Ферганский политехнический институт

дата поступления: 6.08. 2013 г.

УДК № 658.8.01

“РЎЗИМАТЖОН ОТА” МЧЖДА БОЗОР СЕГМЕНТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Камбаров Ж.Х., Турдалиева М.М.

Мақолада корхоналарда маркетинг концепцияларидан бири бўлган бозор сегментациясини тўғри танлашни самарадорликни оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. “Рўзиматжон Ота” МЧЖда сегментлаш усуллари таҳлил этилиб, уни янада такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

В статье показывается, что правильный выбор сегментации рынка, является важным фактором повышения эффективности на производстве. Проанализированы методы сегментации и пути её совершенствования на ООО “Рузматжон Ота”.

The article shows, that choosing right segmentation of market, is important factor of increasing performance in manufacture. Analysing method of segmentation and ways its improvement at LLC "Ro'zmatjonota".

Фарғона вилояти Фурқат туманида жойлашган “Рўзиматжон ота” МЧЖ енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бири. Унинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлиб, корхонанинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишда бозор сегментини қай даражада тўғри танланганлиги таҳлил этилди.

Бозор сегментацияси - харидорларнинг товарларни сотиб олишдаги хулқ-атворлари, талаби ва товарларга муносабатидаги хусусиятларига қараб, гуруҳларга ажратишдир. Бозорни сегментлаш маркетинг концепциясининг хусусиятларидан бири бўлиб, харидор томонидан товарларнинг у ёки бу турини танлаш жараёнини таҳлил қилиш бозор сегментининг қўплигини ажратишга имкон беради. Бозорни сегментларга бўлишни ўтказиш харидорларнинг товарга бўлган талаби ва харидорлар тавсифлари тўғрисидаги энг мувофиқ билимларни талаб қилади.

Бозор сегментацияси қуйидаги турларга бўлинади:

– **Ичкарида сегментлаш.** Бунда сегментлаш жараёни кенг истеъмолчи гуруҳлари билан бошланиб, кейин товар ёки хизматларни охириги истеъмолчилари классификациясига боғлиқлигига қараб босқичма-босқич чуқурлашади.

– **Чуқурлаштирилган сегментлаш.** Сегментлаш тор истеъмолчи гуруҳлари (сегментлари) билан бошланиб, кейин товарни ишлатиш ва қўлланиш соҳасидан боғлиқлигига қараб кенгайтиришни назарда тутаяди. Аввалдан, сегментлаш максимал бозор сегментини ўрганишга мўлжалланган маркетинг тадқиқотининг бошланғич босқичидир.

– **Яқуний сегментлаш** – бозор муҳити шароитлари ва фирманинг ўз имкониятларини тартибга солиб ўтказишдаги бозор таҳлилини яқунловчи босқичидир. У истеъмолчилар талабига ва фирма имкониятига жавоб берувчи сегментга товарларни жойлаштириш мақсадида бозорни оптимал сегментини қидириш билан боғлиқ.

Бозорни сегментлаш орқали, хўжалик юритувчи субъект қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- истеъмолчилар хоҳиш ва талабини максимал равишда ҳисобга олиш;
- товарни (хизматни) ва хўжалик юритувчи субъектни рақобатбардошлигини таъминлаш;
- хўжалик юритувчи субъектни ҳаражатларини оптималлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектни маркетинг стратегиясини самарадорлигини ошириш;
- рақобатчилардан холис бўлган сегментларга кетиш.

“Рўзиматжон ота” МЧЖда бўз, ип газлама, паҳмоқ сочиқ, гул босилган мато, трикотаж футболка, оқ хомсурп, одеял, матрас, эркаклар ички кийими, рўмолча каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхонада маркетинг сиёсати доирасида амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифа бозор сегментини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобланади.

1-жадвал

«Рўзиматжон ота» МЧЖ нинг йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сотилиш ҳажми

№	Ўлчов бирлиги	Йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилиш ҳажми				
		2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1	млн сўм	107,1	698,0	770,0	2011,6	5560,8
2	минг пог /м	102,0	498,0	592,0	1241	2525
3	Экспорт қилиш (минг АКШ долларида)	-	51,3	-	469,7	1221,4
4	Экспорт қилиш (млн сўмда)	-	75,0	-	755,0	2198,0
5	Экспорт қилиш %	-	10,7	-	37,5	40,0

2012-йил 1-чорақда корхонада 2142,4 метр бўз, ип газлама, гул босилган 131-154 ип газлама матосидан 199,9 метр, кўрпа жилди 19323, чойшаб 11756, эркаклар ички кийими 6950 дона, сочиқ 841 дона ва бошқа шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш режасида бажарган. Корхона маҳсулотлар реализациясини ҳам ўз режаси доирасида бажаришга ҳаракат қилади. Корхонада йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилиш ҳажми динамикасини 1-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона 2008 йилга нисбатан 2011-2012 йилларда ишлаб чиқариш соҳасида сезиларли ютуқларга эришиш билан бирга, янги ишчи ўринлари яратиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришди.

2012-йили маркетинг бўлими Фарғона вилояти Фурқат туманидаги истеъмолчилардан анкета сўрови ўтказган. Сўров 40 киши ва енгил саноат маҳсулотлари дўконлари ўртасида ўтказилган. Анкета натижаларидан якуний истеъмолчиларни сегментлашда фойдаланилди. Товарни сегментлаш орқали қуйидаги натижалар олинди.

2-жадвал

Истеъмолчилар тури бўйича сегментлаш

Истеъмолчилар тури	Уй хўжаликлари	Диллерлар ва савдо уйлари	Ишлаб чиқариш корхоналари	Шахсий эҳтиёжлар учун ташкилотлар
Умумий сотиб олиш ҳажмидаги улуши	15%	11%	54%	20%

Жадвалдан кўриниб турибдики, энг катта харид қилиш улушига эга бўлган сегмент бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналардир. Уй хўжаликлари эса товарни 15 фоизини сотиб олади, бироқ улар қайта ишланган маҳсулотларни ҳам, дўконлар маҳсулотларини ҳам сотиб олувчилари ҳисобланади. Агар улар маҳсулотнинг 8 фоизини дўконлардан, маълум қисмини қайта ишловчи корхоналардан сотиб олишларини ўртача ҳисоблайдиган бўлсак, унда улар 45 фоиз маҳсулотни сотиб оладилар.

“Рўзиматжон ота” МЧЖ таклиф этилган нарх асосида истеъмолчилар даромади бўйича сегментлашни олиб борди. Ўтказилган сўровлар натижаси 3- жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал

Даромад даражаси бўйича истеъмолчиларни сегментлаш

Охири нархлар даражаси (сўм)	Даромадлар даражаси, сўм			
	69000-150000	200000-400000	450000-600000	650000 дан кўп
700 сўмдан кам	0	1	0	0
700-2700 сўм	3	1	2	1
2700-4700 сўм	1	2	2	1
4700-6700 сўм	0	1	1	2
7000 сўмдан кўп	0	0	1	1
Жами	4	5	6	5

Жадвални таҳлил қилиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин, нархи 700-2700 сўм ва 2700-4700 сўм бўлган маҳсулотлар истеъмолчилар учун юқори афзалликка эга. Сўров ўтказилган истеъмолчиларнинг 35 фоизи 700-2700 сўмлик, 30 фоизи эса 2700-4700 сўмлик маҳсулотларни сотиб олишади. Бундан ташқари, даромади 450000-600000 сўм бўлган истеъмолчилар энг кўп маҳсулот сотиб олувчилар (30 %) ҳисобланиб, уларнинг қарийб 67 фоизи тайёр маҳсулотни 700-4700 сўм нархларда сотиб олишга тайёр.

4-жадвал

“Рўзиматжон ота” МЧЖ маҳсулотларини сотиб олиниш частотаси

Сотиб олиш частотаси	Жавоблар сони, (киши)	Улуш, %
1 йилда бир марта	6	30
3 йилда бир марта	8	40
5 йилда бир марта	2	10

10 йилда бир марта	4	20
--------------------	---	----

4-жадвалдан кўриниб турибдики, жавоб берувчи респондентларнинг кўпчилиги (40 % жавоб берувчилар) корхона маҳсулотини 3 йилда бир марта харид қиладилар, ушбу сегментлашда иккинчи ўринда маҳсулотни 1 йилда бир марта сотиб олувчилар туради, улар жавоб берувчиларнинг 30 фоизини ташкил этадилар. Фақат 20 % респондентлар 10 йилда бир марта ва 10 % и 5 йилда бир марта харидни амалга оширадилар.

Корхона ҳолатини, унинг мақсадли сегментлаш усулларини таҳлил қилиб, “Рўзиматжон ота” МЧЖда қўлланиладиган бозорни сегментлашнинг асосий усулларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилди:

– Истеъмолчилар талабини ошаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш бўлими ва маркетинг бўлимлари фаолиятини бир бирига мутаносиб равишда ташкил этиш керак;

– Сотиб бўйича менежерлар доимо мижозлар билан алоқада бўлишлари, алоҳида режадаги минтақаларда маҳсулотни татбиқ қилишлари, мижозларнинг маҳсулотларга бўлган муносабатини аниқлашлари ҳамда реклама борасидаги ва бошқа керакли, фойдали ахборотларини тўплашлари керак;

– Корхона ўзининг доимий мижозларига маҳсулот намуналарини ва прејлистларни тарқатиш йўллари билан янги турдаги товарга қизиқишларини уйғотиш керак;

– Ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотини сотадиган ёки ўрнатилган нархга таъсир этмайдиган бир марталик савдони амалга ошириш йўли билан минтақалардан вакиллар кидириши керак;

– “Рўзиматжон ота” МЧЖ тақсимот системаси тараққий этмагани учун келажакда унинг бозорини рақобатчилари эгаллаб олиш эҳтимоли бор. Буни бартараф этиш учун ҳам турли минтақаларда ўзининг вакилларини очиши, ўз маҳсулотларини у ерда сотиши, ўзиникиларни ўша минтақаларга “ёйиши” керак. Шунинг учун минтақаларда “Рўзиматжон ота” МЧЖ вакиллари бўлиши керак;

– Қиммат бўлмаган нархларда сифатли маҳсулотни фаол жойлаштириши керак. Турли реклама компаниялар билан шартномалар тузиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир ишлаб чиқарилаётган товар ассортиментини бўйича алоҳида жойлаштирилиши зарур, чунки уларнинг ҳар бири ўз хариддорларига эга;

– Доимий мижозлар ва ҳамкорлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратиши керак.

– Туман бозорларидаги тайёр маҳсулотнинг амалдаги нархларини таҳлил қилиб, “Рўзиматжон ота” МЧЖ паст нархларга эга эканлиги аниқланди. Ҳудди шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи “Азия текстиль” корхонаси 1000-9500 сўм нархлар асосида маҳсулот реализациясини амалга оширади. “Рўзиматжон ота” МЧЖ эса маҳсулотларни 700-8000 сўм нархлар асосида сотади. Шундай импорт маҳсулотлар нархи эса 2000-15000 сўм.

Таклиф қилинаётган тадбирларни ташкилий-иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

– “Рўзиматжон ота” МЧЖ маҳсулотининг сифати ва нархининг ўзаро мутаносиблиги ушбу маҳсулотнинг етарлик даражада бўлишига олиб келади;



1-расм. Таклиф қилинган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда талабнинг ўсиш суръати.

- Бозор ҳажми маҳсулотларни кўпроқ сотишга замин яратади;
- “Рўзиматжон ота” МЧЖ да ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз сифат даражаси билан чет эл маҳсулотларига рақобатбардош бўлади;
- “Рўзиматжон ота” МЧЖ комплекс таклиф қилинган тадбирлардан фойдаланиб талаб ошишига эришиши мумкин, бу куйидаги 1-расмда акс эттирилган:

Бу қилинган ҳисоб – китоблар шуни кўрсатадики, таклиф қилинган тадбирларнинг ташкилий – иқтисодий самарадорлиги илмий нуқтаи назардан олиб борилган сегментация ишлари катта йўқотишларни олдини олишга ёрдам беради. “Рўзиматжон ота” МЧЖнинг маркетинг кўрсаткичлари анализи, тўғри танланган мақсадлар маҳсулотни самарали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига эришганини кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. учеб. -СПб.: Питер, 2008. -736с.
2. Қосимова М.С., Юсупов М.С., Эргашходжаева Ш.Ж. Маркетинг. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005, 165-б.
3. Юсупов М.А., Абдурахмонова Н. Маркетинг. – Т.: Иқтисодийёт, 2007.
4. Корхона маълумотлари
5. www.ziyanet.uz- ахборот таълим тармоғи

Фарғона политехника институти

қабул қилинди: 19.09. 2013 й.

УДК. 008:575.1

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА ЭЪТИҚОД ФЕНОМЕНИНИНГ ЎРНИ

Хакимов А.

Ушбу мақолада ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида эътиқод феноменининг ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган.

В данной статье рассматриваются роль и значение феномена «веры» в духовно-нравственном воспитании молодёжи.

In this article is analyzed the role and importance of the phenomenon spiritual upbringing of the youth.

Ўзбекистон мустақиллигининг мустаҳкамлиги, унинг келажакдаги равнақи, аввало ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги, ғоявий-сиёсий етуқлиги, миллий ўзлигини теран англаб етганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Жамиятнинг барча соҳаларига шиддат билан ўз таъсирини кўрсатаётган глобаллашув жараёнлари ва бунинг оқибатида пайдо бўлаётган маънавий таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги кунда эътиқод феноменини ўрганиш муҳим вазифа ҳисобланади. Инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги эса турли мафкуравий таҳдидлар, сохта ғояларга кўр-кўрона оғиб кетмаслиги, илғор мафкурага қатъий амал қилиши ва эътиқодига боғлиқ.

“Эътиқод” (арабча – ишонмоқ, имон, амин бўлмоқ) – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англандан билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча”дир [1]. Эътиқод ва уни шакллантириш масаласи бутун инсоният жамияти тараққиёти мобайнидаги долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Чунки ҳар бир тарихий даврнинг баркамол авлодини вояга етказишда маънавий соҳа ривожининг узвий таркибий қисми инсон эътиқодини қарор топтириш билан бевосита боғлиқ бўлган. Шу боис халқлар ва давлатлар тараққиёти шундан далолат берадики, ривожланишнинг мақола ва салоҳияти даражаси, шубҳасиз, фуқаролар эътиқодини шакллантириш масалаларининг ечимини топганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тарбия тарихан муайян мафкура ёки дин билан узвий боғланишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Октябрь инқилобига Марказий Осиёда, чунончи, Ўзбекистонда маҳаллий аҳоли тарбия тизимининг ғоявий асоси ислом дини ва унинг ақидалари бўлган. Собик совет иттифоқида, марксча-ленинча фалсафага таянган коммунизм ғояси партия – давлат мафкурасига асос солинган ва коммунистик эътиқод тарбияни асосига айланган эди. Лекин ушбу илгари сурилган ижтимоий назариялар, сохта тенглик, сохта адолат, сохта биродарлик байроғига эга коммунистик эътиқод воқеликка мутлақо тўғри келмаслигини ҳаёт кўрсатди.

Бугунги мактаб, коллеж, олий ўқув юрти талабаси эртага ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг зиддиятли муносабатлар майдонига бел боғлаб тушади. Ёшларимизнинг элда, дунёда эътиборли бўлишлари, маънавий-ахлоқий тарбияси кўп жиҳатдан уларнинг имон-эътиқодлилиги билан ҳам белгиланади. Эътиқод шахс дунёқараши тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг аҳамияти, биринчидан, ҳаётда муайян қатъий позицияни эгаллаши сифатида шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида, иккинчидан, юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларни бартараф этишнинг оқилона йўллари излашга, хизмат қилишида кўринади.

Ҳаётда содир бўладиган воқеа – ҳодисаларга иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, бефарқлик киши эътиқодининг заифлиги ёки эътиқодсизлигидан далолат беради. Бундай инсонлар кўпинча бошқа кишиларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар, шароитга қараб у ёки бу томонга оғадилар. Эътиқоднинг бўшлиги жамият тараққиётига ғов бўлиши муқаррардир. Агарда эътиқод тор манфаатлар билан чекланган бўлса, умумбашарий муаммолар ечимига тўсқинлик қилади.

Ҳар бир соғлом фикрли одам инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этган ҳолда ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб кетишни истайди. Шундан келиб чиқиб, ўз ҳаёти мазмун ва мақсадини белгилайди. Худди шу нарса унинг эътиқодини ифодалайди. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек: “Бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётини эътиқод, олий мақсад деб билладиган одамлар кўпчиликни ташкил этади” [2].

Мустақиллик шарофати туфайли ўзлимизни англаш, динимиз ва миллий қадриятларимизни яна ҳаётга қайтарилиши маънавий-ахлоқий тарбия масалаларини шарқона услубда ҳал этилишига имкон беради. Бой маънавий меросимиз асосида ёшларни иймонли, эътиқодли, меҳр-оқибатли, саховатли ва мурувватли қилиб улғайтириш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар қандай эътиқод диний бўлавермайди, аммо дин ҳам эътиқодни ўзига хос кўриниши сифатида жипслаштирувчи хусусиятга эга. Диний эътиқод – инсон иродасидан юқори турган Зотга иймон келтириш, ундан мадад олиш, муқаддас китоблар, пайғамбарларга, ўлимдан кейинги қайта тирилиш қабиларга ишонч демакдир. Бирон-бир динга эътиқод қилиш фақат шу жамоа олдидаги масъулият ҳиссини тарбияласа, ақл-идрок тантанаси даври келишига ишонч – эътиқод бутун жаҳон афкор оммаси, инсон зоти олдида масъулиятли қилиб қўяди. Ёшларда ижтимоий қадриятларга, буюк келажакка, тараққиётга бўлган ишонччи озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. М и л л и й Ғ о я : тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. “Академия” нашриёти, 2007 й., 303 бет.
2. К а р и м о в И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т. – Маънавият 2008 й., 20-бет.

Фарғона политехника институти

қабул қилинди: 3.10. 2013 й.

УДК 621. 315. 592

ВЛИЯНИЕ СВЕРХСТЕХИОМЕТРИЧЕСКИХ ДОБАВОК *Pb* И *Te* НА ТЕНЗОЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПОЛИКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ПЛЕНОК *PbTe*

Сулаймонов Х.М.

*Турғун характеристикали тензодатчиклар тайёрлаш мақсадида поликристалл *PbTe* пленкаларнинг солиштирма электр ўтказувчанлик ва тензоэлектрик хоссаларига ностехиометрик *Pb* ва *Te* аралашмаларнинг таъсири қараб чиқилган. Қўшимча киритилган *Pb* миқдорининг ортиб бориши тензосезгирлик коэффициентини (ТСК) камайишига, *Te* ники эса – ортишига олиб келиши кўрсатилган.*

*Рассмотрено влияние сверхстехиометрических добавок *Pb* и *Te* на удельную электропроводность и тензоэлектрические свойства поликристаллических пленок *PbTe* с целью изготовления тензодатчиков со стабильными характеристиками. Показано, что увеличение содержания *Pb* снижает значение коэффициента тензочувствительности (КТЧ) по сравнению с добавкой *Te*.*

*The considered influence over stexiometrical additives *Pb* and *Te* on the specific electro conductivity and tenzoelektrical property of polycrystalline films *PbTe* for the reason fabrications tenzosensors with stable characteristics. It is shown that increase the contents *Pb* reduces meaning of the coefficient tenzosensitivity (CTS) in contrast with additive *Te*.*

Одним из отличительных особенностей электрофизических свойств полупроводниковых пленок является их температурная чувствительность. Поэтому такие свойства полупроводников, полупроводниковых приборов и пленочных структур на их основе должны подвергаться температурному испытанию. Температурная зависимость рабочих параметров пленки *PbTe* является более сложной, чем у монокристаллов этого материала. Это связано, прежде всего, с неоднородностью структур, наличием различных чувствительных к температуре диспергирующих сред, поверхностных уровней, межгранульных потенциальных барьеров и т. п. Так, зависимость удельной электропроводности исследуемых поликристаллических пленок $\sigma(T)$ от температуры носит активационный характер. Её можно грубо представить в виде [1]: $\sigma = \sigma_0 \exp(-\varphi_{эфф} / kT)$, где σ_0 – электропроводность кристаллитов, $\varphi_{эфф}$ – эффективное значение высоты дрейфового барьера между кристаллитами с учетом ее дисперсии параметров и имеет смысл энергии активации (ΔE_a). Нарушение стехиометрии пленки *PbTe* вследствие добавки *Pb* или *Te*, естественно, приводит к изменению высоты потенциального барьера (т.е. энергии активации) между кристаллитами. Ниже приводим некоторые экспериментальные результаты по исследованию электропроводности и тензометрических свойств поликристаллических пленок *PbTe* с нарушенной стехиометрией.

В табл.1 представлены экспериментально определенные значения энергии активации ΔE_a удельной электропроводности *PbTe* для различных значений добавки *Pb* и *Te*.

Табл.1

избыток <i>Te</i> : вес %	ΔE_a , эВ	избыток <i>Pb</i> : вес %	ΔE_a , эВ
0.8	0.085	0	0.080
1.8	0.090	0.2	0.090
2.8	0.095	1.2	0.040
3.8	0.105	2.2	0.015
4.8	0.12	3.2	-

Как видно из этой таблицы, избыток *Te* приводит к росту высоты потенциальных барьеров между кристаллитами. Если считать исходный материал *n*-типа электропроводности, то увеличение значения $\varphi_{эфф}$ означает, что добавочный *Te* ведет




Рис.1. Температурная зависимость электропроводности пленок с избытком теллура. ΔTe вес. % : 1- 0; 2 – 0.68; 3 – 1.8; 4 – 2.8; 5 – 3.8; 6 – 4.8.

себя как акцептор, присоединяя к себе электроны, увеличивает высоту и ширину потенциального барьера для дрейфа электронов. Сверхстехиометрические добавки *Pb* ведут себя как доноры и, отдавая слабосвязанные электроны в зону проводимости кристаллита, тем самым снижают потенциальный барьер и энергию активации.

Активационный характер зависимости электропроводности пленки от температуры сохраняется и после термообработки ее на воздухе. Однако, при такой обработке энергии активации электропроводности

поликристаллической пленки, как с избытком свинца, так и с избытком теллура, увеличивается. Это, по-видимому, связано, прежде всего, с влиянием окружающей среды на свойства возможных окислов между кристаллитами, способствующей увеличению потенциального барьера между полупроводниковыми и окисными слоями.

На рис. 1 приведена температурная зависимость удельной электропроводности термообработанных на воздухе поликристаллических пленок *PbTe* с избытком теллура. Как видно из кривых 1-6, с ростом температуры пленки $lg \sigma$ линейно растет при различных избытках *Te*. Заметим, что угол наклона линии температурной зависимости $lg \sigma(T)$ с ростом добавки *Te* увеличивается.

Дальнейшие исследования показали, что сверхстехио-метрический избыток свинца по сравнению с пленкой *PbTe-Te* существенно снижает температурную чувствительность электропроводности. Это, по-видимому, связано с резким увеличением электропроводности и ростом металлических свойств пленки *PbTe* с увеличением добавки *Pb*. Температура окружающей среды существенно влияет на коэффициент тензочувствительности (КТЧ) пленки *PbTe* с

сверхстехиометрическими добавками *Te* и *Pb*. Для оценки этой зависимости вводится параметр - температурный коэффициент тензочувствительности (ТКК) [2]:

$$\alpha_{ткк} = \Delta K / K \Delta T, \text{ град}^{-1}.$$

Коэффициент тензочувствительности *K* для пленки *PbTe PbTe-Te* в случае сжатия до уровня относительной деформации $\varepsilon = 1.32 \cdot 10^{-3}$ отн.ед. с ростом температуры в интервале




Рис. 2. Зависимость КТЧ от температуры. Кривая 1- *PbTe*; кривые 2-5 – *PbTe-Te*, с вес.% ΔTe : 2 – 0.8; 3 – 1.8; 4 – 2.8; 5 – 3.8.

$300K \div 450K$ уменьшается (рис.2). Существенные изменения K наблюдаются в области низких температур $T < 175K$. Среднее значение TKK , найденное из опыта равняется $(2.5 \div 4.0)10^{-3} \text{ град}^{-1}$. С ростом температуры K становится слабо зависящим от механической деформации. Рост чувствительности K от деформации при низких температурах связан с тем, что с уменьшением температуры носители зарядов все более становятся локализованными на уровнях близлежащих к уровню Ферми [2]. Температурная зависимость $KTЧ$ при низких температурах становится более заметной, чем при высоких температурах. С ростом добавки Te в пленки $PbTe$ значение $KTЧ$ растет, но его температурная зависимость почти не меняется.

Таким образом, поликристаллические пленки $PbTe$ с сверхстехиометрическими добавками Te в пределах $\Delta Te = 0.7 - 4.0 \text{ вес.}\%$ обладают улучшенными тензометрическими параметрами и поэтому целесообразно изготовление тензоприборов на их основе с малоинерционной чувствительностью к температуре в интервале $20 - 150 \text{ }^\circ\text{C}$.

Работа выполнена в рамках программы исследования научно-исследовательской лаборатории «Приборостроение и контрольно-измерительные приборы» при Ферганском политехническом институте.

ЛИТЕРАТУРА

1. Колосов С.А., Клевков Ю.В., Плотников А.Ф. ФТП, 2004, том 38, вып. 4. С.473.
2. Абдуллаев Э.А., Юлдашев Н.Х. Эффект пьезосопротивления в халькогенидах свинца и висмута. Ташкент: «Фан», 1989. 182 с.

Ферганский политехнический институт

дата поступления: 6.08.2013 г.

УДК 621.303:658.5

ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛАРДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ

Тошмирзаев М.А., Иззатиллаев Ж.О., Мамажанов А.Б.

Мақолада асинхронли электр юритмаларда энергия тежамкорлик масалалари муҳокама қилинган.

В статье обсуждены вопросы энергосбережения в электроприводах с асинхронными ями.

In article are discussed questions energy saving in electrical drive with asynchronous motors.

Қишлоқ хўжалиги, саноат ва ишлаб чиқаришда электр энергиясини тежаш ва ундан унумли фойдаланиш ҳамда энергия тежамкор техника ва технологияларини барча соҳаларга жорий этиш, ҳозирда асосий вазифалардан биридир. Барча соҳаларда энергия тежамкорлик масаласи биринчи навбатда электр энергия исрофини камайтириш билан боғлиқдир.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмолчиларда энергия йўқотишлар таҳлил этилганда маълум бўладики, электр энергия йўқотишининг асосий қисми электр энергияси истеъмолчиларига тўғри келади. Электр энергия истеъмолчиларининг асосий қисмини эса электр юритмалар ташкил этади. Демак, электр энергия тежашни устувор вазифаларидан бири электр юритмаларда энергия йўқотишларини камайтириш ва барча соҳаларга энергия тежамкор электр юритмаларни жорий этишдир.

Ушбу мақолада асинхронли насос агрегатларида (сув узатиш насослари) электр энергиясини тежаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Маълумки, насос агрегатларининг белгиланган иш режимини таъминлаш насос агрегатлари иш режимини ростлаш орқали амалга оширилади. Насос агрегатларини иш режими эса насоснинг гидравлик иш режимини ростлаш ёки насос агрегатининг энергетик иш унумдорлигини ростлаш орқали бошқарилади [1].

Барча соҳаларда кенг қўлланиладиган “марказдан қочма” русумли насос агрегатларида узатилаётган суюқлик ва босимни бошқаришда асосан қуйидаги усуллар қўлланилади:

- дросселлаш;
- поғонали ростлаш;
- частотали ростлаш.

Дросселлаш, яъни задвижка ёрдамида қувурдан ўтаётган сув оқимини ўзгартириш.

Сув оқимини ўзгартириш сув оқими ва босимнинг ростлашни оддий ва кенг жорий этилган усулидир. Лекин бу усул баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. Бу усулда сув узатиш камайитрилганда насоснинг фойдали қуввати камаяди, тармоқнинг гидравлик қаршилиги эса ортади. Бу ҳолат ўз навбатида двигатель валидаги қаршилик моментини (М) ортишига натижада эса қувват истеъмолини ортишига олиб келади. Ростлаш қурилмасининг қўшимча қаршилигини енгишга сарфланадиган энергияни бир қисми исрофга айланади.


Поғонали ростлаш насос станциясидаги насос агрегатларини маълум тартибда ишга тушириш ёки ишдан тўхтатиш орқали амалга оширилади. Бу усулда бошқариш оддий ва ростлаш қурилмаси қўлланилмайди. Бироқ бу усулда сув оқимини узлуксиз ва сифатли ростлаб бўлмайди. Сув истеъмоли (ҳажми) нинг ўзгариши насос агрегатларини қўшимча ишга тушириш ёки ишдан тўхтатишга сабаб бўлади. Бу эса қурилмаларни ишлаш муддатини камайишига олиб келади. Электр двигателлар номинал режимда ишламаслиги насос станциясини фойдали иш коэффицентини (η_n) бир мунча пасайишига сабаб бўлади.

Ҳозирда куч электроникаси ва микропроцессор техникасининг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида асинхрон двигателли электр юритмаларнинг иш унумдорлигини ростловчи частота (f) ўзгартгичлар яратилди ва амалиётга кенг тадбиқ этилмоқда.

Электр юритмалар назариясидан маълумки, асинхрон двигатель валининг айланиш тезлиги (n_n) двигатель конструкцияси, юклама momenti (М) ва тармоқ кучланиши (токи) (U, I) частотасига боғлиқ. Асинхрон двигателдан янада унумлироқ фойдаланиш учун частота билан бир пайтда кучланиш қийматини ўзгартириш керак [2].

Насос агрегатларининг ишчи механизмини айланиш часотатасини ўзгартириш билан насос агрегатларини иш унумдорлигини камроқ энергия исрофи билан узлуксиз ростлашга эришилади. Таъкидлаш лозимки, бу усул нисбатан кўпроқ сарф харажатли бўлишига қарамасдан юқорида баён этилган усулларга нисбатан энергия тежамкор усулдир.

1-расмда частота ўзгартгични структура схемаси келтирилган. Электр схемани куч қисми тармоқ ўзгарувчан кучланишини ўзгармас электр энергияга айлантириб берувчи



1-расм. Частота ўзгартгични структура схемаси.
1-ўзгартгич, 2-кириш фильтри, 3- инвертор, 4-чиқиш фильтри, 5- манба, 6-микроназорат қурилмаси, 7- бошқариш қурилмаси, АД- асинхрон двигатель.

тўғрилагич, ўзгармас электр энергиясини қайтадан ўзгарувчан электр энергиясига айлантириб берувчи инвертордан иборат.

Частота ўзгартиргичнинг асосий қурилмаси уч фазали кучланиш инверторидир. Қурилмани бошқариш тизими дастурланган микропроцессор базасида бажарилган. Бошқариш тизими керакли частота ўзгариши ва чиқиш кучланишини таъминлайди.

Насос агрегатли электр юритмалар частотали ростлаш усулида бошқарилганда энергия йўқотишлар минимал бўлиб 50 % яқин электр энергия тежаллади (дросселлаш усулига нисбатан) [3].

Электр двигателни равон ишга тушириш, унга керакли тезликгача тезланиш бериш ва тезлигини ростлаш ҳамда реверслаш каби афзалликлари частотали ростлаш усулини бошқа усуллардан устуворлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Л о б а ч е в П.В. Н а с о с ы и н а с о с н ы е с т а н ц и и. Стройиздат, 1990. 2. Х о ш и м о в А.А. Основы энергосберегающего асинхронного электропривода. Ташкент, ТГТУ, 2000. 3. К п ы р и н В.С, Б о р о д а ц к и й Е.Г, Т к а ч у к А.А. Асинхронный частотный электропривод. Труды науч-техн. Конференции “Электроприводы переменного тока”. Екатеринбург, УГТУ, 2001.

Наманган муҳандислик-педагогика институти

қабул қилинди: 27.09.2013 й.

УДК. 008:575.1

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ

Мамажонов А.Д.

Ушбу мақолада ходимлар меҳнат қилиши ҳуқуқларининг кафили сифатида намоён бўлаётган касаба уюшмалари ёритиб берилган. Сўнги йилларда касаба уюшмаларининг нуфузи ва салоҳияти ошиб бораётгани, ходимларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ва муносабатини кўрсатиб берувчи ижтимоий сўровларга асосланган ҳолда улар аъзоларининг кўпайиши тенденцияси билан ҳам кузатишимиз мумкинлиги ҳамда улар қандай имтиёзларга эга бўла олиши келтирилган.

В данной статье освещается деятельность профессиональных союзов, которые являются гарантом прав граждан на труд. В работе также приводится то, что в последнее время повышается авторитет и потенциал профессиональных союзов, что приводит к увеличению числа их членов, у которых растет доверие и улучшается отношение к профессиональным союзам, что показывают результаты социального опроса, а также показаны какими привилегиями будут обладать их члены.

In this article activity of labor unions which are guarantors of the rights of citizens on work is consecrated. That the authority and capacity of labor unions recently increases also is given in work, as leads to hobby of number of their members at which the trust grows and the relation to labor union that results of social poll show improves, and also will be shown by what privileges to possess their members.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик жамиятга ҳос муҳим хусусиятлардан бири қонун устуворлигининг таъминланганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонун билан кафолатланганлигидир. Шундай экан бугунги кунги асосий вазифамиз юртимиз тараққиёти “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” бораётган бир даврда ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқларини билиши ва меҳнат қилиши зарурлигидир. Фуқаролик жамиятининг ўзига ҳос институти сифатида касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши ва белгиланган тартибда давлат билан эркин муносабатларга киришиши учун имконият яратиб беради.

